O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 22 yanvar, chorshanba | № 7 (7512)

Da'vat

Ota donoligi bolalar uchun chinakam saboqdir.

DEMOKRIT

Ibrat

Sariosiyo tuman rag'batlantirish jamg'armasi tomonidan paxta terimidagi faolligi uchun 1 million so'm mukofot puli olgan "Dashnobod" shirkat xo'jaligi raisi Abdug'affor Ahmedov ushbu mablag'ning barchasiga darslik sotib oldi va xo'jalikdagi 7 ta maktab o'quvchilariga tarqatib chiqdi.

ЙИҒИЛИШ

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма — Атроф-муҳит дастурини бажариш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сўнгги асрда илм-фаннинг шиддат билан ривожланиши табиат ва жамият ўртасидаги уйғунлик бузилишига олиб келди.

БМТ тараққиёт дастури билан ишлаб чиқилган Атроф-муҳит дастури бу борадаги ҳамкорлик самарасидир. Бир қанча кичик лойиҳалардан иборат кўп тармоқли мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад биохилмахилликни сақлаш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришиш ва атроф-муҳит бўйича халқаро конвенцияларга қўшилиш механизмини такомиллаштиришдан иборатдир.

Айни вақтда Атроф-муҳит дастурининг мақсад-моҳиятига бағишланган қўлланмалар чоп этилаяпти, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида семинар-машғулотлар ўтказилаяпти.

АМАЛИЙ ТАДБИР

«Ўзстандарт» агентлиги мутахассислари муайян савдо корхоналарининг 77 турдаги озиқ-овқат маҳсулотини харид қилиб, махсус текширувдан ўтказганида, уларнинг 56 тури стандарт талабларига жавоб бермаслиги аён бўлди. Бу сифатсиз маҳсулотлар асосан фуқароларимизнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган нон, макарон, колбаса маҳсулотлари, сабзавот консервалари, йодли туз ҳамда спиртли ичимликлар эди. Инсон саломатлигига хавф туғдирувчи бундай яроқсиз маҳсулотлар зудлик билан пештахталардан олиб ташланди.

САВДОДА САРИШТАЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари қайтадан давлат рўйхатидан ўтмоқда. Бу айниқса, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи кичик ва хусусий тадбиркорларга кўпроқ тааллуқли.

Бундан буён савдо-воситачилик билан дуч келган киши шуғуллана олмайди. Бунинг учун банкда тегишли маблағи бўлмоғи лозим. Ана шундагина улар мамлакат ёки хориждаги истаган ишлаб чиқариш фирмаси билан кўрқмасдан олди-сотти шартномаси туза олади. Мамлакат ички бозорига энг зарур ва фақат сифатли мол олиб келади.

Чакана савдо билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар учун ҳам ўзига яраша янгиликлар жорий этилди. Эндиликда фақат турғун савдо шохобчасига, назорат-касса аппаратига эга бўлганларгина бундай фаолият билан шуғулланиши мумкин.

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлигининг (USAID) Марказий Осиёдаги миссияси директори Жорж Дейкун билан учрашув бўлиб ўтди. Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз Давлат божхона қўмитаси ҳамда USAID ўртасида божхона соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев билан суҳбат чоғида АҚШ ҳукумати мамлакатимиз божхона хизматига техникавий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди. Агентликнинг мамлакатимиз божхона соҳасидаги қонунчилиги ҳамда амалиётини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари даражасига яқинлаштириш ва уйғунлаштириш жараёнидаги ёрдами ҳам самарали бўлмоқда.

Ж.Дейкун АҚШ томони Ўзбекистонга бу борада берилаётган кўмакни янада кенгайтиришини маълум қилди. Хусусан, яқин орада Ўзбекистонга Агентликнинг бевосита божхона соҳаси билан шуғулланувчи экспертлари келишини айтди.

"ДАРСИНГИЗ ЯНГИ ТЎҚИЛГАН ЭРТАККА ЎХШАЙДИ"

(3-бетга қаранг)

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

"БИЗГА ЁРДАМ БЕРИНГЛАР..."

("Маърифат", 2003 йил 4 январь)

Газетамизнинг мазкур сонида Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳридаги 22-ўрта мактаби ўқитувчилари (жами 50 та имзо)нинг "Бизга ёрдам беринглар..." сарлавҳали мактублари эълон қилинди. Унда мактуб муаллифлари туман ҳокими Н.Худойберганов, туман прокурори Д.Худойберганов, "Пахтабанк"нинг туман бўлими бошлиғи У.Жуманиязов ҳамда ТХТБ мудири Т.Матмуродовларга мурожаат қилишларига қарамай, ўз ойлик маошларини вақтида ололмаётганликларини баён қилишган эди.

Яқинда таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман ҳокимлиги ҳамда туман прокуратурасининг ушбу мададталаб мактубга муносабатлари билдирилган жавоб хатлари келди. Унда жумладан, шундай дейилади:

"Мазкур мақола туман ҳокимлигида атрофлича муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам 22-сон ўрта мактаб ўқитувчилари 2002 йилнинг июнь ойи маошлари ва 48 кунлик меҳнат таътили пулларини қисман ололмаётганлиги тўғрисидаги мурожаати тўғри.

"Пахтабанк"нинг туман бўлими томонидан нақд пул йўқлиги сабабли маошларини беришда узилишларга йўл қўйилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб туман Акциядорлик тижорат "Пахтабанк" Элликқалъа бўлими бошқарувчиси У.Жуманиязов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, мақолада кўрсатилган "Элликқалъатутунув" акциядорлик жамияти раиси А.Шамуратов ва туман Халқ таълими бўлими мудири Т.Матмуратовларга биринчи марта огоҳлантириш берилди.

Ўқитувчиларга иш ҳақи ва нафақалар нақд пул билан бериб борилган.

Мақолада кўрсатилган савдо ходимлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар жамият умумий йиғилишида муҳокама этилиб, бу камчиликларнинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимларга чоралар кўрилди. Хусусан, жамиятнинг 6-сон дўкони сотувчиси Замира Кенжаева ўқитувчиларга қўпол муомаласи учун ўз вазифасидан озод этилган.

2002 йил учун иш ҳақидан 2003 йил 8 январь ҳолатига кўра мазкур мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари иш ҳақлари ва нафақа пуллари тўлиқ нақд пул билан тўланди.

Туман ҳокимлиги юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг бундан кейин такрорланишининг олдини олиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўради.

Bizga javob beradilar

Б.МАШАРИПОВ,
туман ҳокими муовини"

* * *

"Маърифат" газетасининг 2003 йил 4 январь кунги сонида "Бизга ёрдам беринглар..." сарлавҳаси билан туманимиздаги 22-сон ўрта мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи ва меҳнат таътили маошларини ололмаётганлиги, ярми эса дўконларга ўтказилаётганлиги, август ва сентябрь ойи маошларини "Пахтабанк" нақд пул йўқ, деб бермаётганлиги ҳақидаги мақоласи Элликқалъа тумани прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам 22-сон мактабнинг 16 нафар ўқитувчилари туман прокуратурасига 2002 йил 5 июль кунига 22-сон мактабнинг ҳисоб рақамида халқ таълими бўлими томонидан берилган пулдан 4 миллион 275 минг сўм миқдордаги қолдиқ пули бўлган. Аммо, туман "Пахтабанк"и томонидан нақд пул билан таъминлашда узилишларига йўл қўйилган. Шунинг учун, туман Акциядорлик-тижорат Пахтабанкнинг Бўстон бўлими бошқаруви раиси У.Жуманиязов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини бажармаганлиги учун моддий жавобгарликка тортилди.

Шундан кейин, 2002 йил октябрь ойидан 2003 йил 8 январь кунига қадар мазкур мактаб ходимларининг иш ҳақлари ва нафақа пуллари тўлаш учун "Пахтабанк" томонидан жами 8 миллион 974 минг сўм берилган бўлиб, шундан 7 миллион 897 минг сўми иш ҳақи учун ва 1 миллион 76 минг сўм нафақа учун нақд пул берилган. 2003 йил 8 январь ҳолатига эса ҳозирда ушбу мактабнинг ҳисоб рақамида маблағи мавжуд эмас.

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Элликқалъа тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси"

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

АЙРИМ ФАНЛАРДАН БИРОЗ ПАСАЙИШ КУЗАТИЛАДИ — 2-бет

ҲАР БИР МАКТАБДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА — 4-бет

ИНСОННИ ЎРГАНИБ, ЎРГАТИШ КЕРАК — 4-бет

ИЖОД ЙЎЛИДАГИ МАНГУ СЎҚМОҚЛАР — 5-бет

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ — 5-бет

БОЛАНГИЗ НЕЧАНЧИ СИНФДА ЎҚИЙДИ, БИЛАСИЗМИ?.. — 6-бет

БИРЛАШГАН ЎЗАР... — 6-бет

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ — 7-бет

ТАЛАБАНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Унда яшовчиларнинг кўнгли тўлаяптими?

Ikki xil manzara

ТОМДАН ЧАККА ЎТГАНДА

1-МАНЗАРА

Маълумотларга қараганда, 1960 йилларда бутун дунёда 60 млн. нафар талаба олий таълим муассасаларида турли йўналишларда таҳсил олган. Айни пайтда ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бу рақам 100 миллиондан ортди. 2010 йилга бориб ер курасида 150 млн. нафар талаба таҳсил олиши мумкин экан.

Бутун жаҳон олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга юқори малака, юксак савияда билим олишлари ва эртанги кунда бозор муносабатлари талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишишлари учун қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар яратишга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, айниқса АҚШ, ривожланган ғарб давлатлари, ҳамда айрим Осиё мамлакатлари олий таълим муассасалари ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланган. Зеро, юксак билим, истеъдод ва малакага эга бўлган кадр кичик корхонадан тортиб, бутун давлат иқтисодиёти, ижтимоий тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Чунончи, юртимизда ҳам бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 64 та олий ўқув юртида таҳсил олаётган минглаб талабаларнинг малакали билим олишлари учун кўпгина шароитлар яратилмоқда. Бироқ, бу борада баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Биргина, олий ўқув юртларидаги ётоқхоналарнинг, (тўғриси, ётоқхоналарнинг кўз ўнгимизда талабалик даврининг яшаган, пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасидаги кўпгина ётоқхоналар келади. Хўш, бугун бу ётоқхоналарнинг аҳволи қандай? Яқинда шу савол билан қизиқиб, ана шу ётоқхоналарга бориб, у ерда истиқомат қилаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашдим.

(Давоми 2-бетда)

Shu songa xabar

МУКОФОТ – БЕПУЛ ОБУНА

Термиз шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг 7-"Б" синф ўқувчиси Гўзал Назарова Республика "Эрудит" (Билағон) газетаси танловида ғолиб чиқди. Шунингдек, "Мўъжизалар майдончаси" телеўйинида Сурхондарё вилоятидан ягона ғолибликни қўлга киритди. Яқинда Ўзбекистон тедевидениесида намойиш этилган "Мўъжизалар майдончаси" телеўйинида эса учинчи учлик иштирокчиси сифатида махсус совринга эга бўлди. Шунингдек,ёш истеъдодга телеўйин олиб борувчиси Дилшод Каттабеков томонидан ширинликлар тўплами тақдим этилди ва у бир қатор муҳарририятлар ҳомийлигида "Эрудит", "Гулхан", "Маҳалла", "Автоҳамроҳ", "Тонг юлдузи" каби газета ва журналларга бепул обуна қилинди.

Ш.ЖАМИЛОВА,
Сурхондарё вилояти "Болалар жамғармаси" раиси

O'qituvchi yon daftariga

SHIFOKOR ROBOT

Singapurlik olimlar ixtiro qilishgan yangi robot qurilmasi inson miyasi ichida paydo bo'ladigan turli shishlarni operatsiya qilish qobiliyatiga ega. Ilgari to'qqiz soatlar davom etadigan bunday operatsiyalar vaqtini endilikda yangi qurilma yordamida ikki barobar kamaytirish imkoni paydo bo'ldi.

VULQON XAVFI

Olimlarning tadqiqotlari Yevropaning eng katta vulqoni hisoblanmish Elbursning qayta uyg'onishi mumkinligini ko'rsatmoqda. Ma'lum bo'lishicha, ayni paytda vulqon ostida suyuqlik ko'payib borishi kuzatilmoqda. Agar vulqon uyg'onadigan bo'lsa, uning yon bag'rida yashovchi aholiga jiddiy xavf tug'ilishi mumkin.

SAVDODAGI SHAHARCHA

Dunyo miqyosida ko'chmas mulk savdosi tarixida ilk bor sotuvga ...shaharcha qo'yildi. Bu AQShning Kaliforniya shtatida joylashgan Brijvill shaharchasidir. Shaharchadagi uylarning ahvoli biroz xarobroq bo'lgani uchundir, ehtimol, Internet kimoshdi savdosiga kiritilgan mazkur shaharchaga xaridorlar soni hozircha bir nafar, xolos.

HARAKATLANADIGAN QASR

AQShlik avtomobilsoz Jey Orberg 26 g'ildirakli, uzunligi 30,48 metrga teng bo'lgan ulkan avtomobil yaratdi. Bemalol "harakatlanadigan qasr" deb atash mumkin bo'lgan ushbu mashinada oshxona, maxsus suzish havzasi, ikki kishilik karovat, hatto vertolyot uchun mo'ljallangan qo'nish maydonchasi va boshqa ko'pgina qulayliklar yaratilgan.

Хона шифтидан ғакки ўтиб, ундан зах ҳиди уфурарди. Бу хонада яшаётган талабанинг сабру қаноати ва бардошга "қойил" қолмасликдан илож йўқ...

Уларга шу кунга қадар мазкур-таълим муассасасини битирганликлари тўғрисида дипломлар берилмаганлиги хусусида шикоят хати келган эди.

Olimpiada-2003

АЙРИМ ФАНЛАРДАН БИРОЗ ПАСАЙИШ КУЗАТИЛАДИ

Самарқанд вилоятида бу йилги фан олимпиадалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 24 октябрдаги Қўшма буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг 2002-2003 ўқув йилида умумтаълим фанлар бўйича Республика 1-4 босқич олимпиадаларини ўтказиш тартиби" ҳамда "Фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича методик тавсия ва баҳолаш мезонлари" асосида ташкил этилди.

Фан олимпиадаларини ўтказиш тартибидаги ўзгаришлар унинг самарали ўтишини таъминлашга хизмат қилди. Фан олимпиадаларининг тест саволлари ва ёзма ишлар материаллари I босқич учун шаҳар ва туман халқ таълими бўлими методика кабинетлари томонидан, II босқич учун вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мутахасисслари томонидан тайёрланди.

Олимпиадаларнинг 3-босқичида 9-11-синф ўқувчилари учун тест ва амалий ишлар топшириқлари Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланиб ва масъул ходимларнинг амалдаги "Низом" асосида жойларга етказишлари уларнинг махфийлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таълим турлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ва олимпиадаларнинг ҳаққоний ўтишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар ҳайъати таркибига Самарқанд давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллари интитути профессор-ўқитувчилари ҳам киритилди.

Олимпиадаларнинг III вилоят босқичи 9-10-синфлар учун жорий йилнинг 6-8 январь кунлари, 11-синфлар учун 9-10 январь кунлари вилоят Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Самарқанд давлат университети ва Самарқанд Банк коллежи базасида тўлиқ компьютерларда уюшқоқлик билан ўтказилди. Олимпиаданинг вилоят боқичида 18 та умумтаълим ва 2 та махсус фанлардан 1125 нафар умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этдилар.

Олимпиада натижаларига кўра, 19 нафар 9-синф, 27 нафар 10-синф, 43 нафар 11-синф ўқувчилари 76 балл ва ундан юқори кўрсаткичларга эришиб, ғолибликни қўлга киритдилар ҳамда махсус совғалар ва "Фахрий ёрлиқлар" билан тақдирланди. 19 нафар битирувчи синф ўқувчилари олимпиадаларнинг Республика босқичига қатнашиш ҳуқуқларини қўлга киритган бўлиб, уларнинг 12 нафарини умумтаълим мактаблари, 7 нафарини эса академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ташкил этади. Шунингдек, 7 нафар 10-синф ўқувчилари ҳам математика, биология ва информатика фанларидан бўладиган халқаро олимпиадаларда иштирок этиш шарафига муяссар бўлишди.

Туман ва шаҳарлар кесимида Каттақўрғон шаҳри (12 та), Темирйўл (8 та), Оқдарё (7 та), Сиёб ва Пастдарғом (6 тадан) туманлари ўқувчи жамоалари орасида совриндорлар кўпчиликни ташкил этган ҳолда, Нуробод ва Пайариқ туманлари ўқувчилари бирорта ҳам совринли ўринни қўлга кирита олмадилар.

Самарадорлик бўйича Каттақўрғон (60,8 %) ва Самарқанд (58,5%) шаҳарлари, Жомбой (56,4 %) ва Оқдарё (54,7%) туманлари ўқувчилар пешқадамликни қўлга киритган бўлсалар, Пахтачи (39,4%), Нуробод (39,5%), Булунгур (40,4%) туманлари жамоаларининг кўрсаткичларидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар жойларда айрим фанлардан олимпиадаларнинг шаҳар ва туман босқичи талаб даражасида ўтмаганлигини, иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва тарбиялаш масаласига аҳамият етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Натижада бир қатор фанлардан анча паст кўрсаткичлар қайд этилди. Хусусан, 9-синфда она тили ва адабиёт, немис тили, физика, биология, кимё, информатика, тарих ва чизмачилик фанларидан, 10-синфда француз тили, физика, кимё, тарих, география, чизмачилик фанларидан, 11-синфда эса тарих фанидан иштирокчилар 76 баллдан паст кўрсаткичга эришдилар ва ушбу фанлар бўйича ғолиб ўқувчилар бўлмади. Кимё ва физика фанларидан иштирок этаётган барча 10-синф ўқувчилари 76 дан кам балл тўплашиб, ушбу фанлардан халқаро олимпиадалар танловида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

Иштирокчиларнинг натижалари фанлар кесимида қиёсий таҳлил қилинганда, 2001-2002 ўқув йилига нисбатан 2002-2003 ўқув йилида 9-синфларда она тили ва адабиёт, немис тили, физика, биология, кимё, тарих, 10-синфларда француз тили, физика, кимё, тарих, география каби фанлардан бироз пасайиш кузатилган бўлса, шу синфларда рус гуруҳларида ўзбек тили, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, инглиз тили, тожик тили фанларидан ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Умуман олганда, умумтаълим фанлари бўйича вилоят олимпиадалари амалдаги "Низом"га тўла риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Иштирокчи ўқувчилар ва ота-оналар томонидан қилинган оғзаки мурожаатлар жойида ижобий ҳал этилди.

Н. ШЕРБОЕВА

ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛМАСА ҲАМ

Bizga javob beradilar

Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани "Озод" ширкат хўжалиги Хожибобо қишлоғида яшовчи Тўра Алибоевдан фарзанди Икром Алибоев дўстлари Аъзам Жумаев, Фарход Ҳаитовлар билан Шўрчи шаҳридаги 17-касб-ҳунар лицейини "бухгалтерия ҳисоби" йўналишида тамомлаганлиги, аммо уларга шу кунга қадар мазкур-таълим муассасасини битирганликлари тўғрисида дипломлар берилмаганлиги хусусида шикоят хати келган эди. Мазкур шикоят хати нусхаси таҳририятимиз томонидан ЎМКҲТ Марказига жўнатилган бўлиб, у ердан қуйидагича жавоб хати олдик:

"Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази "Маърифат" газетаси таҳририятига Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани "Озод" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Тўра Алибоевдан келган шикоят хатини атрофлича ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, Тўра Алибоевнинг ўғли Икром Алибоев ва унинг курсдошлари А.Жумаев ҳамда Ф.Ҳаитовлар 1998 йилдан 2001 йилга қадар Шўрчи касб-ҳунар лицейи (ҳозир Шўрчи коммунал хизмат коллежи)да "Қишлоқ хўжалиги ҳисобчиси ва ЭҲМ оператори" мутахассислиги бўйича ўқиганлар. Мунтазам дарс қолдирганликлари ва 2001 йилда битирув малака бериш имтиҳонларида қатнашмаганликлари учун И. Алибоев, А. Жумаев ва Ф. Ҳаитовларга ўқув юртини битирганлиги тўғрисида диплом берилмаган. Уларга битирувчи ўқувчилар бўйича муваққат кенгашнинг 2002 йил 16 июндаги 2-сонли қарорига кўра билим юртида ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома берилган. Сурхондарё вилояти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг масъул ходимлари Тўра Алибоев билан учрашиб уларга ўғли Икром Алибоевнинг амалдаги Низом ва йўриқномалар асосида битирув малака бериш синовларини қайта топшириб диплом олиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди".

Шундай ўқитувчилар борки, бир соатгина дарси орқали ўқувчи қалбига муҳрланиб қолади. Ўқувчилар эса бу ўқитувчининг дарсини жон қулоқлари билан тинглайдилар.Юнусобод туманидаги 43-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ёркиной Ҳамроқулова ўқувчиларга меҳр билан дарс бериб уларнинг қалбидан чуқур жой олган.

Суратда:Ё.Ҳамроқулова болаларга меҳнат дарсида қоғоздан уйча ясашни ўргатмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

НАВҚИРОН МАСКАНЛАР

Давлатобод ҳуқуқшунослик ва Поп маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари Наманган вилоятидаги энг навқирон таълим масканларидандир. Навқирон дейишимизнинг боиси бор, албатта. Чунки улардан биринчиси Бош Қомусининг 10 йиллиги, иккинчиси эса янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

Давлатобод ҳуқуқшунослик коллежи собиқ 5-касб-ҳунар мактаби базасида ташкил этилиб, мазкур даргоҳни қайта таъмирлаш ишларига 600 млн. сум маблағ сарфланди ва шу билан бирга бу ерга 38 млн. сўмлик жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда 29 та фан ва амалиёт хоналарида 424 нафар талаба 4 та йўналишда, яъни хўжалик ишларини юритувчи ҳуқуқшунос, кадрлар инспектори, суд ижрочиси, контрактация ва тафаккур мулкини ҳимоя қилувчи ҳуқуқшунос мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқда.

—Талабаларимизга махсус танлов асосида ишга қабул қилинган 36 нафар устоз ва мураббийлар сабоқ беришмоқда, —дейди коллеж раҳбари Убайдулла Камолов, — уларнинг айримлари Наманган Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетидан жалб қилинмоқда. Мақсадимиз кейинчалик талабаларнинг университетда ҳам ўқишларини инобатга олган ҳолда узлуксиз таълим сифатини сақлаб қолишдир.

Қурилиш ва қайта таъмирлаш ишларига жами 850 млн. сўмлик маблағ сарфланиб, фойдаланишга топширилган Поп маиший хизмат коллежи аввалги бизнес мактаби базасида ташкил этилди. Маъмурий ва ўқув биноси билан бирга қишки спорт зали янгидан қурилди. 100 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона ва қайта таъмирланган бошқа бинолар шинам ва ёруғлигидан худди янги қурилгандек. Бу ишларни тумандаги 131-хўжаликларо механизациялашган кўчма жамланма қурувчи ва муҳандислари амалга оширдилар. Натижада, илгари 500 ўринли булган муассаса 750 ўринли замонавий илм даргоҳига айлантирилди. Туман ҳокимлигининг шундоққина ёнгинасида қад ростлаган ушбу таълим масканида 452 нафар ёш йигит-қиз сабоқ олмоқда. Уларни эртанги ҳаётга ўз касбининг фидоийлари бўлган 32 нафар ўқитувчи ва 10 нафар ишлаб чиқариш усталари тайёрламоқдалар. Тайёрланаётган мутахассисликлар қуйидаги 6 та, яъни газ ва электр жиҳозларини таъмирлаш ва умумовқатланиш кичик технология, радио ва телеаппаратураларни таъмирлаш, ишлатиш, котиба-референт, тикувчилик, бухгалтерия йўналишлари бўйича амалга оширилмоқда.

—Бизда мавжуд 30 та фан кабинетлари, 3 та компьютер хонаси бошқа барча биноларимиз Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси бўйича жиҳозланмоқда, — дейди коллеж директори Акрамжон Хурбоев. — Мазкур банк бунинг учун 1 млрд 300 млн сўм маблағ ажратган.

Ўқув йили бошида туман "Савдо умумовқатланиш" ҳиссадорлик жамияти, қишлоқ ва суд хўжалиги бошқармаси, маиший хизмат уйи, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кабилар билан мутахассис етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган.

Хуршид СУЛТОНОВ

ЁШЛАР УЧУН ҲИМОЯ

Ўсиб келаётган авлодни маънавий ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, баркамол шахсни камол топтириш асосий вазифалардан биридир. Аммо кенг жамоатчиликни ёшлар соғлиғига зарар етказадиган тамаки чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа зарарли иллатларнинг кўп тарқалганлиги хавотирга солмоқда. Ёшлар орасида қандай тўғри йўл тутиш лозим. Қандай қилиб адашмаслик мумкин, ҳаётда нимани устун қўйиш керак? каби саволлар пайдо бўлиши табиий. Юқоридаги саволларга жавоб бўладиган, ўз-ўзини тарбиялаш ва шаклланаётган ёш инсоннинг мослашиш механизмларини кўрсатиб берадиган "Мен ўз йўлимни танладим" тарбиявий дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг юзага келишида профессор Д.Шарипова ва В.Токарева, мутахассислар Р.Султоновларнинг хизмати катта. Дастур 2003 йил давомида "Биоэкосан" ўқув услубий мажмуаси томонидан умумтаълим мактабларида амалга оширилади. Ва у ёш авлодга баркамол ривожланишида, шахс сифатида шаклланишида ёрдам беради. Шунингдек, дастур синф раҳбарлари мактаб психологлари ва ташкилотчилари, синфдан ташқари ишлар ва болалар билан ишловчи бошқа мутахассислар учун ҳам мўлжалланган.

Азиз НОРҚУЛОВ, ЎзМУ талабаси

ТАЛАБАНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Унда яшовчиларнинг кўнгли тўлаяптими?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Очиғини айтганда, Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан кўнглим хира аҳволда қайтдим. Боиси, ўтган 4-5 йил давомида ҳалиҳануз ётоқхоналарнинг аянчли "аҳволи" ўзгармаганди.

Тўғри, ётоқхонада истиқомат қилувчи талабаларнинг чиройли "одоб-аҳлоқи" хусусида тўхталиб ўтмасак бўлмас. Кишиларимизда, хусусан талабаларимиз онгида ҳамон "ўзганинг мулки" қабилидаги тушунча асосида "иш кўриш" ва давлат мулкига нисбатан беҳурматлик билан муносабатда бўлиш сақланиб қолмоқда. Чунки, айрим талабалар бир-икки йиллик "омонат" фойдаланадиган, бироқ кўпчиликнинг мулки бўлган хоналарга беэътибор бўлиб, у ердаги жиҳозларга нисбатан ўта беписандлик, эҳтиётсизлик билан муносабатда бўладилар. Натижада ўз уйида 10-15 йиллар мобайнида фойдаланадиган буюм ва жиҳозлар ётоқхонада учтўрт йил ўтиб-ўтмай, "хонавайрон" бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети 9 қаватли ётоқхоналарининг бири 8-сон ётоқхона юқори қаватида истиқомат қилувчи бир талаба ҳурмат билан ўз хонасига таклиф қилди. Кўрсатилган хонага кириб, аянчли ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Боиси, хона шифтидан чакки ўтиб, ундан зах ҳиди уфурарди.

— Бир неча маротаба "комендант"га шикоят қилдим. Бироқ, унинг парвойи палак. Назаримда, хоналарда яшаётган шўрлик биз талабалар унинг "ёдидан кўтарилиб қолган кўринамиз". Энг ачинарлиси, ҳар ойда стипендиямиздан накд ётоқхона пулини ушлаб қолишни унутишмагани ҳолда уялишмайди ҳам. Ундаги аянчли аҳвол эса ҳеч кимнинг ёдига келмайди.

Ётоқхонадаги бошқа хоналарда истиқомат қилаётган баъзи талабаларнинг бу ҳақдаги куюнчаклик билан сўзлаган фикрлари ҳам, бу ҳудуддаги манзара ҳалиҳануз (бир-икки ётоқхона биноси таъмирланганлигини ҳисобга олмаганда) ўзгармаётганлиги ҳақидаги фикрларимни янада тасдиқлади.

Чунончи, шаҳарчадаги Миллий университетнинг аспирантлари истиқомат қилувчи 17-сонли 9 қаватли ётоқхонада икки йилдан буён истиқомат қилувчи талабанинг таъкидлашича бу ерда йигит-қизларнинг истиқомат қилиши учун сўнгги йилларда ҳеч бир қулайлик яратилгани йўқ. Хоналардаги иситиш тармоқларининг аксарияти кўнгилдагидек ишламайди, Кроват, столстул, шкафлар яроқсиз аҳволда. Ошхонада овқат тайёрлаш, чой қайнатишга накд 3-4 соат вақт сарфлашга тўғри келади. Шу боис, кўпинча, кўчада овқатланишга одатланганмиз. Афсуски, Талабалар шаҳарчасида жойлашган "кўркам" ошхоналардаги нархлар ҳам пойтахтнинг "олий" мақомдаги ошхоналаридаги нарх-наво билан бемалол рақобатлашаман, дейди

Таъкидлаш ўринлики, шаҳарчадаги қарийб барча ётоқхоналарда талабаларнинг овқат тайёрлаш хоналари гигиеник талабларга жавоб бермайди. Бу ердаги стол-стуллар яроқсиз, газ плиталари тугаб, адо бўлган. Энг аянчлиси, бундай ҳолат бинода ёнғин хавфсизлигини таъминлашга кескин тўсқинлик қилади. Шунингдек, ЎзМУга қарашли айрим ётоқхоналардаги ювиниш хоналарининг бирида (масалан 3-сон ётоқхонада) иссиқ сув доимий равишда бўлмаса, иккинчисида узлуксиз совуқ сув муаммоси... Афсуски, бу каби ҳолатлар ҳеч бир маъмурият вакилини безовталантирмаётганлиги ачинарли ҳол, албатта.

ЁТОҚХОНАДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ

2-МАНЗАРА

Хуллас, Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналар манзарасини кўриб, кўпгина олий ўқув юртларида ҳам шундай бўлса керак, деган фикрда эдим. Йўқ, аслида бундай эмас экан...

Чунончи, Тошкент давлат юридик институти ётоқхонасини кўздан кечириш мақсадида бу ерга ҳам ташриф буюрдик. Ташқаридан қарагандаёқ уйнинг салобати ва кўрки шундоқ кўриниб турарди. Аста бино ичкарисига қадам қўйдик. Фойе ўта нозик дид билан безатилган: кираверишда Давлат рамзлари бўлган байроғимиз, гербимиз ҳамда фахрифтихоримиз бўлган Конституция ва мадҳиямиз акс эттирилган кўркам фотостендлар, шунингдек, республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган тарихий ютуқлари намоён этилган турли плакатлар жой олган.

Биринчи қаватда жойлашган хоналарни бирма-бир кўздан кечира бошладик. Чапдан биринчи хона компьютер синфи экан. Хона замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланибгина қолмасдан, улар Интернет — бутунжаҳон ахборот тармоғига ҳам уланибди.

Баъзи бир хорижда ўқиган ёки тажриба орттириб қайтган дўстларимдан чет эллик талабаларга яратилган бекаму кўст шароитни эшитиб, ҳавасим келганди ва ажабмас бизда ҳам бир кун шундай имкониятлар яратилса, дея дилда умид уйғонган эди. Худди шу куни ана шу эзгу ният ҳам мамлакатимизда ижобат бўла бошлаганини кўриб, очиғи жуда қувондим. Чунки, Интернет бугунги кунда талабанинг ўқув қуроли, асосий илм манбаига айланган. У чексиз илмий манбалар, адабиётлар, ноёб ва нодир асарларнинг макони. Фақат ўзингизга кераклигини қидириб топа олсангиз бўлгани. Ҳозир компьютернинг билимдон мутахассислари бу борада кўпгина кишилар ишини енгил қилиб, керакли манбаларни топишга кўмак берадиган махсус дастурларни яратиб, тақдим қилмоқдалар.

Қўшни хонада талабаларнинг ҳордиқ чиқариш, яъни турли нашрларни ўқиб, телевизор орқали сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш имконияти мавжуд. Таъкидлаш лозимки, ўтган йили мазкур хона тўлиқ қайта таъмирланиб, анча кенгайтирилибди. Унга янги замонавий жиҳозлар, турли радио-телеускуналар ҳам харид қилинган экан.

Навбатдаги кенг ва шинам хонадан ўқув зали жой олган. Унда бир вақтнинг ўзида 50 га яқин талаба турли мавзулардаги китобларни ўқиши мумкин. Бу ерда институт кутубхонасидан 3500 га яқин китоблар келтирилган. Биринчи қаватда, шунингдек, кенг ва шинам иккита ошхона қурилиб, ошпазлар талабаларга хизмат кўрсатмоқда.

— Ётоқхона қарийб 200 нафар талабанинг истиқомат қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосан йигит-қизларнинг яшаш хоналари 2-3-қаватларда жойлаштирилган, — дейди ётоқхона маъмури Фахриддин Исаҳонов. — Институтимизнинг кундузги бўлимида таҳсил олаётган талабаларнинг 70 фоизини республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар ташкил этади. Барча талабаларнинг эҳтиёжларини қондиришга, зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда бу ерда 175 нафар талаба яшамоқда.

Талабалар истиқомат қилишлари учун мўлжалланган хоналардан ташқари ҳар бир қаватда йигит-қизлар ўзи томонидан овқат тайёрлаш учун мўлжалланган ошхоналар бор. Улар ҳам шкаф, зарур идиш-товоқлар, замонавий музлатгич ва газ плиталари билан жиҳозланган. Булардан ташқари, ҳар бир қаватда ювиниш учун душ хоналари ҳам қурилган.

Шунингдек, ётоқхона биносида институтга узоқ-яқиндан ташриф буюрган меҳмонларни қабул қилувчи меҳмонхона ҳам ташкил этилган. Бу ерга талабаларнинг ота-оналари, дўстлари, яқинлари жойлашишлари, шу билан бирга турли тоифадаги ўқитувчилар, хорижлик меҳмонлар, мутахассислар ташриф буюрадилар.

Ўтган йили ёз мавсумида ётоқхонани тўлиқ қайта таъмирлаш, унинг атрофини ободонлаштириш мақсадида институт бюджети ҳамда махсус маблағлар ҳисобидан қарийб 10 млн. 500 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, махсус спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали ҳамда ётоқхона ҳовлисида мини футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари бунёд қилиниб, ёшларни жисмонан соғлом тарбиялашга ҳисса қўшмоқда.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, "Ma`rifat" мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси Б.Жўраевдан.

САВОЛ: Газетанинг 2001 йил 10 октябр сонида умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари учун дафтар текширишга қўшимча ҳақ тўланиши айтилган. Ана шу қўшимча ҳақ миқдорини 1 ставка дарс соатиники, деб тушунса бўладими?

ЖАВОБ" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги 1997 йил 20 августдаги 409-рақамли Қарори асосида энг кам ойлик иш ҳақига фоизларда табақалаштирилган қўшимча ҳақнинг қуйидаги миқдорлари белгиланган:

а) дафтарларни текширганлик учун қўшимча ҳақ:

1-4 синф ўқитувчиларига — 30 фоиз миқдорида

5-11 (12) синфлар ўқитувчиларига — 40 фоиз миқдорида

— тиллар ва адабиёт бўйича — 40 фоиз миқдорида

— математика бўйича — 30 фоиз миқдорида

Қўшимча ҳақ миқдори дарс соатига мутаносиб тўлаб борилади.

* * *

Навоий вилояти Нурота туманидаги лицей интернат ёрдамчи тарбиячилари: Ҳ.Избосарова, М.Самандаровадан.

САВОЛ: 6 йил лицей интернатда ёрдамчи тарбиячи вазифасида ишлаб, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб 18 йиллик олиниб келинаётган барча имтиёзлардан маҳрум бўлишимиз адолатданми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелда "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида"ги Фармони бўйича Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхати тасдиқланган. Унда ҳамма турдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари, тарбиячилар, мактабгача таълим ўқитувчилари ва мактабдан ташқари муассасалардаги шу тоифадаги шахслар имтиёздан фойдаланадилар дейилган.

Ёрдамчи тарбиячиларнинг имтиёздан фойдаланиши назарда тутилмаган.

Й.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Ўқитувчиларнинг орзиқиб кутишини бир кўрсатиб эдик. Меҳнат билан овуниб, дардини ҳам унутди. Назаримда, ҳаракатда бўлгани учун соғлиги ҳам яхшилангандай...

Ҳар бир ўқувчи олдидаги тарқатма материаллардаги нуқталарни бирлаштириб Ўзбекистон байроғини ҳосил қилишди.

Kasbga yo'naltirish

НОГИРОН БОЛАЛАРГА АМАЛИЙ ДАСТУР

Фиждувон — асли ҳунармандлар юрти. Шу боис ҳам бу ерда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича катта ютуқлар қўлга киритилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Туман халқ таълими бўлими мутахассислари ва педагогик-психологик ташхис маркази ҳунармандларнинг асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналарини чуқур ўрганган ҳолда ишни давр талаблари асосида олиб бормоқда. Яна диққатга сазовор томони шундаки, мактаблардаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари бозор эҳтиёжларини ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда ташкил этилган.

Ўқувчилар кузги, баҳорги ва ёзги таътил даврида шартнома асосида ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам ишлаб чиқаришда иштирок этадилар. Меҳнатларига яраша иш ҳақи ҳам оладилар.

Тумандаги 66 та мактабда 20 турдаги касб-ҳунар тўгараклари бўлиб, уларга 6 мингдан ортиқ ўқувчи жалб қилинган. Аксарият илм даргоҳлари компьютер билан таъминланган. 8-лицей, 2-интернат ва ХТБ компьютерлари "Модем" тизимига уланган. Амалдаги ўқув йили бошида "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш" мавзусида бўлиб ўтган республика миқёсидаги семинарда ҳам барча вилоятлардан келган мутахассислар ғиждувонликларнинг ибратли ишларини ўрганиб, илиқ фикрлар айтдилар.

Ҳақиқатан ҳам ҳунар инсониятни ночорликдан, бекорчилик ва ялқовликдан қутқаради. Ҳатто ногирон болалар ҳам ҳунар билан машғул бўлганларида ҳаётга умид кўзи билан боқадилар.

Фиждувон туман ХТБ ташхис маркази руҳшуносларидан бу борада ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Бу ерда ногирон болаларни касб-ҳунарга йўналтириш дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан жисмоний ривожланишдан орқада қолган болалар рўйхатга олиниб, уларнинг руҳиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари чуқур ўрганилади.

Натижада улар мактабдан ташқари таълим муассасалари мураббийларининг ғамхўрликлари туфайли турли касб-ҳунарларни ўрганиб, ҳаётда ўз ўринларини топишга интилмоқдалар. Улар яқинларидаги мактаб ҳамда маънавият ва қўшимча таълим марказларига биркитиб қўйилган. Мураббий-ўқитувчилар ҳафтада иккиуч марта уларнинг хонадонларига бориб, машғулот ўтишади.

— Ногирон болалар орасида анчайин қобилиятлилари ҳам бор эканки, биз уларнинг зеҳни ва қизиқишига қойил қолдик, — дейди ташхис маркази дефектологи Хадича Кутулдиева. — Анвар исмли бир йигитча лаганни қўлига олиб, шунақа куйлар чалиб бердики, унинг мусиқани бу қадар теран англаб, ўзи кўй ўрганаётганига ҳайратландик. Шундан сўнг у мусиқа ўқитувчисидан махсус дарс ола бошлади. Ҳозир доирани турли оҳангларда чертганда, бутун дардини унутади. Унинг ҳаётга иштиёқ билан чақнаган кўзларини кўриб, отаонаси ҳам, биз ҳам қувониб кетамиз.

Ташхис маркази томонидан кенг оммалаштирилган "Жисмоний ривожланишдан орқада қолган болаларни соғломлаштириш мақсадида миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш" деб номланган услубий кўлланмада "Тепар", "Дўппи ташла", "Тўп тош", "Чиллак", "Ким чаққон" каби юзлаб ўйинларга таъриф бериб, уларнинг аҳамияти батафсил ёритилган. У мактаб руҳшуносларидан ва тўгарак раҳбарларига тайёр дастуриламал бўлиб қолди. Юришда қийналадиган ногирон болалар зардўзлик, тикувчилик, каштадўзлик, наққошлик, суратқашлик каби касб-ҳунарларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

— Қизимга қараб жуда эзилардим. Унинг тенгдошлари қатори мактабга боролмаётганлигидан зерикишини кўриб, ўзимни қўярга жой топмасдим. ХТБ ташхис марказидан мутахассислар келиб, унинг қобилиятини аниқлашди. Устозлари унга тикувчилик касбини ўргата бошладилар. Энди қизимнинг фикри-зикри шу ишда бўлиб қолди. Ўқитувчиларини орзиқиб кутишини бир кўрсангиз эди. Меҳнат билан овуниб, дардини ҳам унутди. Назаримда, ҳаракатда бўлгани учун соғлиги ҳам яхшилангандай... Одамлар қизимнинг бинойидай тиккан ишларини сотиб олишаяпти,—дейди Зуҳранинг онаси М.Ҳамроева.

Ҳа, кўнгли ярим, ногирон болаларнинг ҳам ҳаётдан ўз ўринларини топишларига мададкор бўлиш, уларнинг кемтик қалбларига келажакка ишонч, ёруғ мақсадлар бағишлашдан ҳам савоблироқ иш борми!

Маҳбуба ХОЛОВА,
журналист

МАҚСАДИМИЗ — ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

Қишнинг қорли қировли кунлари ҳам бошланди. Ташқарида буралаб ёғаётган қор, совуқ кишини жунтиктиради. Ҳа, бу йил қиш бошиданоқ забтига олди.

Яхшиямки қишга тайёргарликни вақтида ғамини еганимиз, дея ўйлайди Алишер ака иссиқ хонадан ташқарига боқар экан, бўлмаса ўқитувчию ўқувчилар совуқ еб қолишар эди.

Ҳа, "Қиш ғамини ёзда е" деганларидек А. Ваҳобов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон туманидаги 2-умумтаълим мактаби жамоаси қишга тайёргарликка ёзги таътил бошиданоқ қўл уришди. Аввалги катта қозонхонадан воз кечилди. Чунки ҳозирги шароитда бундай иситиш усули яхши натижа бермай қолди. Домланинг ташаббуси билан замонавий, кичик қозонхоналардан иборат иситиш усулига ўтилгач, мактабнинг 56 та хонаси бирдек иситилишига эришилди.

–Бундай усул ҳозир кўп жойда қўлланиляпти, - деди мактаб директори А.Ваҳобов. Унинг афзаллиги шундаки, ортиқча ёқилғи энергияси сарф қилмасдан, хоналарни мўътадил иссиқликда ушлаб туриш мумкин.

Бу иш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Мактабда сармоядан ташқари маблағ ишлаб топиш яхши йўлга қўйилган. Сартарошлик, косибчилик, электр пайвандлаш устахоналари ҳам сармоя топиш, ҳам ўқувчиларни касбга йўналтиришда фойдаланилаётган бўлса, мактаб учун ажратилган ер майдонидан тушган маблағ ҳам мактаб корига яраб турибди. Биргина иситишнинг янги усулига ўтиш учун 1,5 млн. сўм маблағ сарфланиши мактаб мустақиллиги, раҳбарнинг ишбилармонлигидан нишонадир.

Мактабда ўқув-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Тўғри-да, барча шарт-шароитлар яратилган илм даргоҳида билим олиш ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бу даргоҳда ҳозирда 1512 нафар ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда. Уларга 110 нафар малакали муаллимлар замон талаби асосида сабоқ бериб келишмоқда. Мактабда 6 нафар халқ таълими аълочиси меҳнат қилаётганлигининг ўзи ҳам мактаб педагогик жамоаси туманда ўз нуфузига эга эканлигидан дарак беради. Х.Мажидова, С.Тожиматова, А.Рустамов, М.Низомиддинова, Ш.Холматова, М.Эргашева, К.Йўлчиев каби ўқитувчилар ўз фанлари бўйича нафақат мактабда, балки тумандаги кўплаб муаллимларга мураббий ҳисобланишади.

Билимдон устозлардан билимдон шогирдлар етишиб чиқади, деганларидек, мактаб ўқувчилари ҳам ўз устиларида тинмай ишлаб, ўқиб ўрганиб боришни ўзларига шиор қилиб олишган. Туманда ўтказиладиган ҳар қандай танлов, баҳс, мунозара бу мактаб ўқувчиларининг иштирокисиз ўтмайди. Улар бир неча йиллардан буён Республика телевидениесининг "Ўйла, изла, топ!" телеўйинида қатнашиб келмоқда. 2002 йилнинг май ойида эса шу ўйиннинг ғолиби бўлишиб, телевизор билан мукофотланишди. Мактабнинг 10-11-синфларига лицей мақоми берилган бўлиб, уларда тарих, ҳуқуқ фанлари чуқурлаштирилиб ўтилди.

— Фан олимпиадаларида ҳам ўқувчиларимиз туманда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда, - дейди Алишер ака. - Келгусида вилоят, республика босқичларида қатнашиш орзусидамиз. Бунга имкониятимиз бор. Ўтган ўқув йилида мактабимиз таъмирлаш ва қишга тайёргарлик ишлари бўйича туманда ўтказилган танловнинг ғолиби бўлди. Бу йилги мақсадимиз барча кўрсаткичлар бўйича ғолибликни қўлга киритиш.

Дарвоқе, мактаб ўқувчилари ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, олимлар-профессорлар М.Бойқўзиев, биология фанлари доктори, профессор М.Пўлатов, физика-математика фанлари доктори, профессор Т.Мирзамаҳмудов, фалсафа фанлари доктори, собиқ сиёсий шарҳловчи Ф.Исмоилов каби кўплаб Республикада таниқли бўлган собиқ мактабдошлари билан хақли равишда фахрланишади ва улардек инсонлар бўлиб етишишни орзу қилишади. Уларнинг ҳаётини ўзларига ўрнак деб билишади.

Maktablar hayotidan

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

—Ҳар бир даврда инсон саломатлиги муҳим масалалардан бири бўлиб келган, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти биринчи болалар хирургияси кафедраси профессори Жуманазар Бекназаров ЎзА мухбирига. — Юртимизда тиббиётни янада равнақ эттириш ва замон талаби даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилаётгани жуда қувонарли ҳол.

Мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртларида жорий этилган янги тизимга мувофиқ етти йилда бакалаврлик даражасига эга бўлган талаба тиббиётнинг бир эмас, балки деярли барча йўналишлари бўйича етарли билимга эга бўлади.

Магистратура босқичидан ўтган талабани ҳеч иккиланмасдан пухта билимга эга шифокор дейиш мумкин. Институтимиз ва унинг ҳузуридаги шифо масканида талабаларнинг пухта билим олиши, беморларнинг тезроқ шифо топиши учун барча шароит яратилган. 300 ўринлик шифохонамизда ҳар ойда 1300 нафаргача бемор даволанади.

Шифохона олийгоҳимиз асосий базаси ҳисобланиб, унда назарий ва амалий машғулотлар ўтказадиган болалар хирургияси, бўлалар травматологияси, болалар анестезиология ва реанимацияси, болалар неврологияси, педиатрия каби 10 та кафедра фаолият кўрсатади. Бу кафедраларда 100 нафардан ортиқ профессор — ўқитувчи талабаларга таълим беради. Бу ерда илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам етарли имконият мавжуд. Олимларнинг саъй-ҳаракати ва изланишлари туфайли болалар жарроҳлиги ва даволашнинг янги усуллари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Институтимиз талабаларининг пухта билим олишида Аминбой Сулаймонов, Фатхулла Жалилов, Гулимбой Бобохонов, Саидакром Ҳасанов, Ғайрат Исломбеков, Изден Азизов, Матёқуб Сулаймонов, Шоира Ҳамидова каби профессор ва шифокорлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда она ва бола саломатлиги давлат муҳофазасидадир. Зотан, юртимиз келажаги соғлом, бақувват, тафаккури теран фарзандлар қўлидадир.

ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА ёзиб олди

Суратда: Тажрибали жарроҳ Жуманазар Бекназаров ҳамшира Гулноза Ҳамроева ва шифохона ходимаси Ойсулув Абдезова билан иш жараёнида.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

"ДАРСИНГИЗ ЯНГИ ТЎҚИЛГАН ЭРТАККА ЎХШАЙДИ"

Азиз газетхон, Сиз ёшингиз улғайгани сари содда ва самимий шеърлардан, қизиқарли эртаклардан узоқлаша борасиз. Уларни эшитиб, вақт кетказишни ўзингизга эп билмайсиз. Лекин, Мирзо Улуғбек туманига қарашли 121-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови ғолиби Ирода Ҳамидованинг 2-синф ўқувчиларига нотаниш синфда математика фанидан "Кўпайтириш ва бўлиш" бўлимидаги "Кўпайтириш" мавзусини ўтиб берганида, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва барча кузатувчилар "Дарсингиз янги тўқилган эртакка ўхшайди-я" дея лутф қилишди ва яна энг замонавий, зўр санъат билан ўтилган дарс, деб баҳоланди. Ҳатто айримлар "бўлар экан-ку шундай дарс ўтса" деб кўзларидаги севинч ёшларини ҳам тўкиб олдилар. Ажабмаски, айни шу пайтда "катта-катта" опаларнинг ўз болаликлари эсига тушиб кетган бўлса. Нега десангиз ўқувчилар тугул кузатувчилар ҳам дарс мобайнидаги жумбоқларига ўзаро жавоб қидира бошлашди. Буларнинг ҳаммаси беихтиёр юз бераётган эди...

Сизларда ҳам бу "оғиздан бол томиб" мақталаётган дарс қандай ўтди экана, деган қизиқиш пайдо бўлгандир? Ундай бўлса ушбу дарс жараёнини ҳозир ёзма баён қилишга ҳаракат қиламиз. Муҳтарам ўқитувчи, Сиз уни жонли ва муҳаббат билан ҳис қилинг. Шундагина таърифларимиз бежиз эмаслигига амин бўласиз. Айтгандай, умуман нотаниш ўқувчилар билан шу даражадаги дарсни ўтказиш "Йил ўқитувчиси"нинг қўлидан келибдими, демак, Сиз ҳам бунга қодирсиз! Фақатгина Сизда ўқитувчи санъаткорлиги, керакли кўргазмали қуроллар ва техник воситаларингиз етарли бўлса бўлгани. Яхшиси, ҳозир дарсда қандай усул ва воситаларидан фойдаланилганлигини бир бошидан қуруққина қилиб санамай қўяқолай. Уларни ўзингиз дарс жараёни билан танишаётган пайтингизда яққол билиб оласиз. Демак, сабрсизлик билан кутган дарсимиз ҳам бошланди:

Болалар: *— Ассалому алайкум!*

Ўқитувчи: *— Ваалайкум ассалом. Азиз болажонлар, бугун сизлар билан жудаям қизиқарли дарс ўтгани келдим. Мен Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг худди сизларга ўхшаган бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитувчиси бўламан. Исмим Ирода, фамилиям Ҳамидова. Азиз ўқувчилар, бугунги дарсимизни ҳаммамиз биргаликда яхши ўтказишга харакат қиламизми?*

Болалар: *— Ҳа-а.*

Ўқитувчи: *— Жуда-ям яхши. Қани айтинглар-чи, бугун нечанчи сана ва қайси фасл?*

Лобар: *— Бугун 16 январь. Ҳозир ўлкамизда қиш фасли, дарсимиз эса математика.*

Ўқитувчи: *— Баракалла. Бизлар математика дарсида нималар қилардик?*

Болалар (биргаликда):— Беллашамиз, баҳслашамиз ҳисоб дарсида,

Жумбоқларни ҳал қиламиз ҳисоб дарсида.

Ўқитувчи: *— Баракалла! Ўқувчилар бугун бизнинг дарсимизга сизларнинг билимингизни синаш учун компьютер меҳмон бўлиб келган. У бутун дунёдаги болаларнинг билимларини синаб кўрган. Бугун эса компьютер сиз билан дўстлашишга келибди. Қани, болалар, компьютер билан саломлашиб олайлик-чи.*

Компьютер сигнали орқали экранда, "Салом болалар" ёзуви чиқади.

Болалар компьютер билан саломлашгач 2-сигнал "Менинг исмим компьютержон-3. Келинг, сизлар билан танишамиз" садоли мурожаат янгради.

Ўқитувчи: *— Компьютеримизнинг рақами қандай экан?*

Болалар: *(биргаликда) — Компьютержон-3*

Ўқитувчи: *— Болажонлар, бугунги компьютеримиз сизларнинг энг яхши жавобларингизни юқори балл — 3 балл билан баҳолайди. Келинглар, кўрайлик-чи, у биз билан қандай танишмоқчи экан.*

Экранда "Сиз қайси республикада яшайсиз" деган ёзув чиқади.

Бобур: *— Биз мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаймиз.*

Ўқитувчи: *— Баракалла! Жоним болам. Энди компьютернинг кейинги саволига жавоб беринг-чи?*

Экранда "Ўлкангизда қайси фасл?" — деган савол чиқади.

Ширина: *— Ҳозир ўлкамизда қиш фасли.*

Ўқитувчи: *— Жудаям яхши. Биласизми болалар, қиш кунларининг бирида математика китобимиздаги сон ва рақамларимиз нимага энди Ўзбекистонда қиш фасли бўлса-ям қор ёғмаяпти. Ҳозир буни Қорбобо билан Қорқиздан сўраймиз, — деб кўчага чиқишибди-да, уларни қидириб кетишибди. Кейин, улар юриб-юриб чарчаб қолишибди. Шунда кўпчилик рақамларимиз ўз ўринларига қайтолмай, ярим йўлда адашиб қолибдилар. Келинг, уларни жой-жойига туришларига ёрдам берамиз.*

Болалар доскага осиғлиқ турган мана бу — 10, 20, 30 ..... 50, 60..... 80 ..... 100 ўнликлар қаторини 40, 70, 90 сонлари билан тўлдирдилар. Шундан сўнг ўқитувчи болалар билан биргаликда 10 дан 100 гача ўнталаб қарсак орқали саноқ машқини ўтказди.

Компьютер сигнали: — Сирли сандиқ очилсин,

Ичидан маъно сочилсин.

Ўқитувчи: *— Вой, меҳмонимиз "Сирли сандиқ"даги топшириқларга жавоб беришимизни хоҳлаяпти. Уни хафа қилмаймиз-а? (Болалар жавоб беришгач). Бунинг учун ҳаммамиз фаол бўлишимиз керак. Албатта, энг яхши жавоб берган ақлиларга менинг совғаларим бор.*

Ҳамма биргаликда овозли "Сирли сандиқча"ни очиб, ундан чиққан йиғма карточкаларни доскага ёпиштиришди. Болаларда эса бундай кутилмаган вазият учун борган сари қизиқиш ортар эди. Ва бирпасда саволлар ўз ечимини топарди.

Ушбу вазифани бажаришда эса болаларга "29 чин ошнам" алифбоси кўмаклашди. Унда 8 та савол бор эди:

Байроғимизда нечта юлдуз бор? — 12 (М)

Байроғимизда нечта ой бор? — 1 (А)

Бир ҳафтада неча кун бор? — 7 (Х)

Нолдан кейинги сонни айтинг? — 1 (А)

Мустақил республикамиз неча ёшда? 11 (Л)

20-9= жавобини топинг? 11 (Л)

100-99= жавобини топинг? 1 (А)

1 йилда неча ой бор? 12 (М)

Болалар саволларнинг жавобини топишиб, "29 чин ошнам"дан очқич ҳарфларни доскага ёпиштиришди ва "МАҲАЛЛАМ" сўзи келиб чиқди.

Ўқитувчи: *— Болажонлар бу сўз сизларга нимани эслатаяпти?*

Сарварбек: *— 2003 йил республикамизда "Обод маҳалла" йили деб эълон қилинган.*

Ўқитувчи: *— Вой, ақллигим мана, шу топқирлигинг учун мана бу Қуёшчани олиб кўй-чи! Бунақа Қуёшчаси бор болалар фақат яхши ва одобли бола деганини билдиради. Болажонлар ҳақиқатдан ҳам, бу йил юртимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинган. Биласизларми, обод маҳалланинг ҳар доим осмони мусаффо ва хонадонлари осойишта бўлади. Ана шундай маҳаллаларга оқ кабутарлар учиб келишади. Чунки улар поклик ва тинчлик рамзи ҳисобланади. Сизларнинг ҳам синфингиз тоза ва шинам бўлганлиги учун, қаранг, бугун дарсимизга оқ кабутарлар учиб келишибди. Уларнинг нечталигини ҳисоблаб кўрайликчи.*

Ўқитувчи доскага 2 тадан 5 та кабутарни ёпиштирди. Болалар иштироки билан 2+2+2+2+2=10 йиғиндисини ҳосил қилди.

Ўқитувчи: *— Болажонлар ҳозир ҳамма сонларни қўшиш учун вақтимиз жудаям кўп кетиб қолди-я. Сизлар шунга ўхшаш мисолларни осон ва қулай усул билан ишлаш йўлини ўрганишни хоҳлайсизларми? (Болалар жавобидан сўнг). Математика фанида шундай муҳим ва керакли амал борки, унинг номи — кўпайтириш. Бу ишора нуқта билан белгиланади.*

Менинг ширинтойларим келинглар, шу мисолни кўпайтириш амали орқали ишлаб кўрамиз. Бир хил қўшилувчиларнинг биттасини олиб ёзиб оламиз (2) ва улар неча марта қайтарилганлигини санаб ёзиб оламиз (5). Сонлар орасида эса кўпайтириш (•) белгисини қўямиз.

2 • 5=10

Демак, иккини бешга кўпайтирганимизда ўн ҳосил бўлди. Кўрайлик-чи, компьютержон бизларга янги мавзуни яхшилаб тушуниб олишимиз учун қандай саволлар тайёрлаб қўйган экан.

Компьютер экранида мавзуга доир гуллар ва Ўзбекистон автомобиллари мисолида ечиладиган расмли саволлар чиқди ва ўқувчилар уни ҳам қўшилувчилар, ҳам кўпайтувчилар тарзида дафтарларига ёзиб, ишлашди.

"Электрон меҳмон юзи"да "Энди дам олинг" сўзлари чиқди. Ўқитувчи "Дилхирож" куйини магнитофонда қўйиб биргаликда оёқ-қўлларини ҳаракатлантиришганича рақсга тушишди. Худди шу пайт четдаги кузатувчиларнинг ҳам болаларнинг дарсни зўр қизиқиш билан тинглаётганликларини, ҳатто шунча "бегоналар" бўлишига қарамай, математиканинг жумбоқлари дунёсига кириб кетганликларини кўриб, завқлари келиб кетди. Дам олиш дақиқаси тугагач, яна компьютер экранида сигналли "Диққат!" сўзи чиқди.

Ўқитувчи: *— Болажонлар, компьютеримиз ҳаммамиздан қўлларимизни партага қўйиб, диққатимизни жамлаб олишимизни сўраяпти. Меҳмонни хафа қилмаймиз-а? Вой-вой, болажонлар, бизнинг жонажон китобимиз "мени эсдан чиқариб қўйдинглар" деб хафа бўлаяпти. Келинглар энди, дарслигимиздаги 566-ҳамда 567- мисолларни "Олтин тож" ўйини орқали ечамиз.*

Болалар мисолларни ечишди ва яна компьютернинг топшириғини бажаришга киришди. Ҳар бир ўқувчи олдидаги тарқатма материаллардаги нуқталарни бирлаштириб Ўзбекистон байроғини ҳосил қилишди.

Ўқитувчи: *— Мана, болажонлар, сизлар вазифани тўғри бажарганлигингиз учун қўлингизда байроқлар расми пайдо бўлди. Қани, уларни бир ҳилпиратайликчи. Илоҳим, Ўзбекистонимизнинг байроғи доимо шундай озод ҳилпирасин.*

Бу ҳилпиратиш орқали ҳам болаларнинг толиққан қўллари дам олди, ҳам маънавий сабоқ берилди.

Ўқитувчи: *— Қани, компьютер бизларга яна нималар демоқчи экан?*

Экранда "Масалани еч" буйруғи чиқади. Шундан сўнг болалар 568-масалани ечишга киришишади.

Ўқитувчи: *— Болалар, мен сизларнинг олдингизга келаётганимда "Саховат дўкони"дан чой қутиларини олиб келган эдим. Улар ҳозир бизларга масалани ечишимизга ёрдам беради. Бобурбек, жоним болам, сиз масаланинг шартини чиройли қилиб ўқиб беринг-чи.*

Болалар навбатма-навбат масаланинг шартини ўқидилар. Ўқитувчи ҳақиқий улкан чой қутилари билан масаланинг ечилиш усулини ҳар бир боланинг фикрини эшитган ҳолда тушунтириб берди. Доскада Мухлисахон масалани қуйидагича ечди:

1-яшикда — 8 кг чой

2- яшикда — ? 6 кг ортиқ

Ечиш: 8+6=14

8+14=22 Жавоб: иккала яшикда 22 кг. чой бор.

Ўқитувчи болаларнинг ҳар бирини назардан четда қолдирмасдан саволлар билан мурожаат қилиб турди. Энг диққатлиси, ўқитувчи ҳар бир саволга жавоб берган ўқувчи агар қиз бўлса, Қуёшча ва Атиргул, агар йигит бўлса Қуёшча ва Кабутар совға қилар экан, уларга:

— Асалим, шу Қуёшдек юзингиз порлаб турсин, ҳаётингиз чароғон бўлсин. Атиргулни эса сиздек ақлли ва одобли фарзандни тарбия қилган онажонингизга беринг. Улар сизнинг бахтингизга соғ-омон бўлишсин. Йигитларимиз эса мана бу кабутар қанотида бутун дунёни айланиб, нуфузли даргоҳларда билим олиб келсинлар, — дея рағбатлантирди. Бу гаплардан сўнг ҳамма ўқувчилар кўпроқ саволларга жавоб бериб, шунча кўп Қуёшча, Атиргул ва Кабутарларга эга бўлишга ҳаракат қилишди.

Шу пайт яна компьютер болажонлардан "Саховат дўкони" орқали янги мавзуга мос мустақил масалалар тузишни "илтимос" қилди. Ўқитувчи Ҳумоюн, Жасур ва Бахтиёрларни доскага чиқариб "Саховат дўкони"дан ҳар бирига иккитадан музқаймоқларни олиб берди ва шунга мос масалани ўтирган ўқувчилар тузишди. Ўқувчилар масала тузишда худди шу тарзда яна давом этди. Шунинг билан биргаликда айни жараёнда ўқувчилар ҳам мустақил фикрладилар, ҳам дафтарларига масалаларни тушириб бордилар. Дарс охирлаб бораётган эди. Лекин ўқувчилар буни сезмас, яна масалалар тузишга бунданда қизиқиб бораётган эди. Шу пайт ўқитувчи уларнинг диққатини жамлаб:

— Болажонларим, бугунги мавзумиз ҳаммага тушунарли бўлдими? (жавоб олингач) Баракалла жудаям яхши. Ундай бўлса 561-ва 572- мисол-масалаларни уй вазифаси қилиб бераман. Уларни тўғри ва аниқ қилиб бажариб, дафтарингизга чиройли қилиб ишлаб келинглар. Шунда яна сизларга кўпдан-кўп Қуёшчалар, Атиргул ва Кабутарлар совға қиламан.

Ўқитувчи яна компьютерга мурожаат қилди. Ва:

— Азиз болажонларим, хозир ҳар бирингиз олдингиздаги тарқатма топшириқларни йиғиб беришингизни компьютер "илтимос" қилаяпти. Мен уларни компьютерга бераман ва у сизларни тезгина баҳолайди.

Шунда ҳар бир қатор ўз топшириқларини "Ким тез йиғар" га ўйнашиб, бир зумда ўқитувчига топширди.

Бирданига компьютер экранида сигналли "Баракалла, ҳаммангизга 3 балл" деган ёзув чиқди.

Ўқитувчи: *— Раҳмат болажонлар, сизлар бугун нафақат компьютерни, балки мени ҳам хурсанд қилдингизлар. Сизларнинг ҳар доим шундай ақлли бўлиб юришларингизни тилаб хайрлашиб қоламан.*

Болалар: *— Хайр, саломат бўлинг!*

Bir soatlik dars

Дарсни "Ma'rifat" мухбири Насиба ЭРХОНОВА кузатди ва баён қилди.

Болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса, шахсий нуқтаи назар, ўз бурчи ва ҳуқуқини ҳис этиш, ўз ақлий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади.

Ўқувчиларга 30 нафар педагог таълим бериб келмоқда. Эътиборлиси, ўқитувчиларнинг 30 нафари ҳам олий маълумотли.

Ma'rifat

Маълумки, юртимизда кечаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар шахс тарбияси, унинг баркамол вояга етишига қаратилган. Бу борада эса республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим жараёнини ташкил этган кўпгина мактабларда ижобий ютуқлар қўлга киритиб келинмоқда. Ана шу муваффақиятларни мустаҳкамлаш, уни янада такомиллаштириш мақсадида республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари асосида пухта билим бериш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли ишларни ҳаётга татбиқ этаётган, информацион технологиялардан таълим жараёнида самарали фойдаланаётган илғор педагогик жамоаларни аниқлаш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида "Йил мактаби" кўрик-танловининг ўтказиб келиниши катта аҳамиятга эга. Зотан, ушбу танлов асосида илғор тажрибалар оммалашиб бормоқда.

Қуйида "Йил мактаби — 2002" кўрик танловининг республика босқичида иштирок этадиган мактаблар билан танишасиз.

ҲАР БИР МАКТАБДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА

"Yil maktabi — 2002"

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 30-мактаб 1985 йил ташкил этилган. Замонавий, водопровод суви ва мослаштирилган ер қудуғи билан таъминланган бу ўқув даргоҳида 1580 қоракўзга 88 нафар, шундан 21 нафар олий, 25 нафар I тоифадаги ўқитувчи билим бермоқда. Машғулотлар ўзбек ва рус тилида олиб борилади. Ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, рус ва бошқа миллат вакиллари бўлган ўқитувчилар бир жон, бир тан бўлиб ишламоқдалар.

Мактабда КУВТ — 13 та, ДВК — 1 та, IBM — 11 та, лингафон — 3 та, телевизор — 9 та, магнитофонлар — 13 та, графопроектор, киноаппарат, фильмоскоп каби техника воситаларидан фойдаланилмоқда. Кутубхонанинг умумий фонди 225750 бўлиб, шундан 7235 та бадиий адабиётлардир. Мактабнинг 36 та хонаси бўлиб, шундан 15 та синф хоналари ва 16 та фан кабинетлари тарзида жиҳозланган. Чуқурлаштирилган синфлар сони — 11 та.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернати 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, илм ўчоғида физика, математика фанлари чуқур ўқитилади. Бугунги кунда таълим масканида 416 нафар ўқувчи ўғил-қиз замон талаблари даражасида таҳсил олаётган бўлиб, уларга 35 ҳозларга эга ошхона мавжуд. Эътиборлиси, таълим масканида ўқувчиларнинг таътил вақтида ҳам мириқиб ҳордиқ олишлари учун ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган "Шифокор" номли 40 ўринли ўз болалар оромгоҳига эга.

Бухоро шаҳридаги 17-мактаб 1963 йилда бунёд этилган бўлиб, илм даргоҳи ўз фаолиятини бошлаган дастлабки пайтда мавжуд 33 та синфхонасида 980 нафар ўқувчи таълим-тарбия олар эди. Бугунги кунга келиб мактабга 3 та қўшимча ва ёрдамчи биноларнинг қурилиши билан замонавий кўриниш ҳосил қилган. Унда айни пайтда 1389 нафар ўқувчи таҳсил олаётир. Ўқувчиларга эса 67 нафар тажрибали ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқдалар.

Билим масканида ўқувчи ўғил-қизларнинг баркамол вояга етишлари, илм-фан сирларини чуқур эгаллашлари учун 5940 та дарслик, 2352 та бадиий китоблар, 340 та услубий қўлланмалар заҳирасига эга кутубхона, 150 ўринли ошхона, 168 м² ҳудудга эга спорт зали, 750 м² майдонли спорт шаҳарчаси, 47 та фан хоналари, 40 ўринли маънавият хонаси, 40 ўринли мактаб музейи, гигиена хонаси, медицина (табобат) хонаси, 30 ўринли ДТС мониторинги ва янги педагогик технологиялар маркази, 12 ўринли ЭҲМ хонаси ҳамда лингафон хоналари хизмат қилаётир. Улар зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Яъни, фан хоналаридаги 3 та кодоскоп, 3 та телевизор, 2 та эпипроектор, 3 та фильмоскоп, 4 та магнитофон, 4 та киноаппарат, 3 та КЭФ 101, 1 та РУЖ ҳамда ЭҲМ хонасида 10 та "Правец", 10 та "Агат" ва 1 та "Pentium" — 4 компьютерлари мавжуд.

Жиззах шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номли 22-иқтидорли ўқувчилар мактаби шаҳарда шу йўналишдаги ягона таълим маскани ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу масканда ўқиш ва билим олиш истагида бўлган болалар сафи кун сайин кўпаймоқда. Ҳозир бу ерда 980 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларнинг барча фан сирларини мукаммал эгаллашлари учун 31 та синф хоналарида барча шароит муҳайё. Синфхоналар йўналишларга қараб замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган.

Ўқувчилар асосан олти йўналиш бўйича фанларни чуқур эгаллаш имкониятига эга. Математика, тарих-ҳуқуқ, бадиий графика, инглиз-рус тили, журналистика, биология йўналишлари ана шулар жумласидан. Ўқувчиларга юқори малака ва билимга эга бўлган ўқитувчилар сабоқ беради. 57 нафар ўқитувчининг 9 нафари олий тоифали, 24 нафари биринчи ва иккинчи тоифали мураббийлардир. Шунингдек, бу ерда бир нафар фан доктори, профессор Ҳайитбой Ҳайдаров фаолият кўрсатиб, у айни пайтда тарих-ўлкашунослик тўгарагига раҳбарлик қилаяпти. Мактаб маъмурияти вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликни қатъий йўлга қўйган.

Наманган вилоятининг Поп шаҳридаги М.Улуғбек номли "Тиббиёт ва доришунослик" йўналишидаги ихтисослаштирилган интернат-мактаб 1994 йил 1 сентябрда ташкил топган. Мактабда 422 ўқувчи таълим олмоқда, унда 40 нафар ўқитувчи ва 17 нафар тарбиячи фаолият кўрсатиб, болаларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Мактаб математика, физика, инглиз тили ва кимё, биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган. Умумий фойдаланиш майдони 6949 кв.м.га тенг.

Меҳнат қилаётган педагогик кадрлар танлов ва шартнома асосида ишга қабул қилинадилар. Улар орасида давлат мукофотларига, унвонларга, юқори тоифаларга сазовор бўлган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади.

Келажак авлодни етук, маънавий баркамол, билимга чанқоқ бўлиб етишишида мактабда 29 та фан хоналари, 5 та лаборатория, 1 та комплект ва 1 та якка компьютер, 2 та лингафон хоналари, спорт зал, футбол майдони, баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдонлари, ошхона, мажлислар зали, мониторинг хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, тарих ва адабиёт музейи, ҳуқуқий билимларни тарғибот этиш хоналари, ташхис маркази, фитобар, ичкиликбозлик ва наркоманияга қарши кураш хонаси ва тиббиёт хоналари фаолият кўрсатмоқдалар.

Бундан ташқари, 2000 йилдан бошлаб муассаса қошида "миллий кураш"га ихтисослаштирилган спорт мактаби ташкил этилиб, унда 30 дан ортиқ ўқувчилар кураш сирларини ўрганиб келмоқдалар.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 13-сон "Зарафшон" ўрта мактаби 1931 йилда ташкил топган. Муслима Наврўзова раҳбарлик қилаётган бу ўқув даргоҳида 936 нафар ўқувчига 88 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда. Синф хоналари 30 та бўлиб, физика, кимё, биология, она тили, рус тили, ҳарбий таълим учун фан кабинетлари ташкил қилинган. Мактабда киноаппарат, телевизор, магнитофон мавжуд бўлиб, ушбу техника воситаларидан дарс жараёнида фойдаланилмоқда. Биология чуқур ўрганиладиган синфда 29 нафар ўқувчи бор. Таълимдаги ислоҳотга асосан таҳсил олмоқда. Эътиборлиси, илм ўчоғида таълим-тарбия жараёни бир навбатда ташкил этилган. Мавжуд 36 та синфхоналари эса барча зарур ўқув жиҳозларига эга. Яъни мактабдаги 150 ўринли ошхона, буфет, спорт зал, волейбол, баскетбол, футбол, гимнастика, 200 см² югуриш йўлакчаси, 25 ўринли металл ҳамда ёғочга ишлов бериш устахонаси, қизлар учун махсус меҳнат фани ўтиладиган синфхона, зарур асбоб-анжомларга эга тиббиёт хонаси, 2500 дарслик, қўлланма, бадиий ва илмий адабиётлар заҳирасига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида.

Мактабда методик ва мониторинг хоналари ташкил этилган бўлиб, унда илғор ўқитувчиларнинг ноанъанавий тарзда янги педагогик технология асосидаги дарс ишланмалари, маърузалар, очиқ дарслар таҳлили, турли мавзудаги реферат ва альбомлар мавжуд. Мониторинг хонасида эса ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш таҳлиллари мунтазам юритилиб, ўқитувчилар дарс сифатини оширишда юқоридаги ўқув жиҳозларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Муҳими, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишига алоҳида аҳамият қаратилган. Бугунги кунда мактаб қошида ташкил қилинган турли фан ва касб тўгаракларига 500 нафарга яқин ўқувчи жалб қилинган. Бундан ташқари, мактаб толиби илмларининг 36 нафари тумандаги ўқувчи ёшлар техник ижодиёт марказига, 120 нафари марказий ўйингоҳда ташкил этилган турли хил спорт тўгаракларига, 54 нафар ўқувчи шаҳар мусиқа мактабига, 30 нафар ўқувчи эса ёшлар ижодиёт маркази тўгаракларида ўз қизиқишларига кўра турли тўгараклар аъзоларидир.

Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат замонавий типдаги битта бинодан иборат.

Мактаб биноси даставвал болалар ижодий уюшмаси биносида жойлашган бўлиб, вилоят ҳокимлиги ва ХТБ саъй ҳаракатлари билан ўзининг мустақил биносига эга бўлди. Бино талаб доирасидан четда қолган, таъмирталаб аҳволга тушиб қолган эди. 2002 йил қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилгач, 2 сентябрь куни ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Бино 340 ўринли, 14 та фан хоналари, гимнастика зали, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонаси, мониторинг хонаси, хорижий тилларни ўқитишга мослаштирилган хонаси, кутубхона, 10 ўринга мўлжалланган ошхона, 60 ўринли ётоқхона, 2 та тиббиёт хоналари, спорт майдони ва ҳарбий майдонча мавжуд бўлиб, таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш ва машғулотларни ўтказишда фойдаланиб келинмоқда.

Мактабда 320 ўқувчи 1 сменада таҳсил олади.

Ўқувчиларга 30 нафар педагог таълим бериб келмоқда. Эътиборлиси, ўқитувчиларнинг 30 нафари ҳам олий маълумотли.

Мактаб-интернат Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилди ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тасдиқланиб, Сирдарё вилоят ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Ўтган йиллар давомида педагог ходимларнинг таркибини сақлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш борасида аниқ ишлар амалга оширилди. 2001-2002 ўқув йилида 8 нафар ўқитувчи малака ошириш курсларида ўз билимларини ошириб, қайта тайёргарликдан ўтиб келдилар. 100 фоиз педагог эса янги ўзбек алифбосига асосланган курсни тугаллаганлар.

(Давоми келгуси сонда)

Fikr, mulohaza, taklif

ИНСОННИ ЎРГАНИБ, ЎРГАТИШ КЕРАК

Психология фани фақат инсон руҳиятини ўрганибгина қолмай, балки унинг хатти-ҳаракатларини, унинг ҳархил шароитлардаги фаолиятини ҳам синчиклаб ўрганади. Маълумки, кишининг аниқ мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракати бирор муддаони кўзлайди.

Демак, ҳар қандай ташқи фаолиятнинг асосида одам руҳияти ётади ва шунинг учун ҳам психология фани инсон "табиати", унинг психик ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Бу фан психологик ҳодисалар, психологик жараёнлар, психологик хусусиятлар ва психологик ҳолатлар ҳақидаги фандир.

Инсон ўз сезги, идроки, диққати, хотираси, нутқ ва тафаккури ёрдамида дунёни танийди билади, ўрганади. Бошқа психик ҳодисалар эса унинг ўзга кишилар билан мулоқотини назорат этган ҳолда ҳатти-ҳаракатларини бошқариб туради. Инсон дунёни ўз дунёқараши ёрдамида билибгина қолмай, балки ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсади билан ҳам яшайди. Инсоний хатти-ҳараткатларни тушуниш ва тушунтириб бериш учун психология Шахс тушунчасига мурожаат этади.

Ҳозирга қадар инсон психологиясининг чақалоқлик, гўдаклик, илк болалик, мактабгача, кичик мактаб, ўсмирлик, ёшлик, кексайиш ва қарилик даврлари бўйича бой илмий-амалий маълумотлар тўпланган. Ҳар бир ёш даврининг психологик хусусиятларига асосланган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш инсонда ўз вақтида ўзини англаш хусусиятини вужудга келтиради. Болада ўзини англаш туйғуси қанча эрта уйғонса, шахсий нуқтаи назар, ўз бурчи ва ҳуқуқини ҳис этиш, ўз ақлий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади. Шахслараро муносабатдаги қарама-қаршилик ва инқироз ривожланиш қонунларига лоқайд қарашнинг оқибатидир. Инсон руҳиятидаги умидсизлик, ижтимоий адолат учун курашиш руҳининг пасайиши назария билан амалиёт номутаносиблигининг маҳсули ҳисобланади. Одамлардаги эътиқод, дунёқараш, мустақил хулқ-атворни шакллантириш, кўпроқ юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга боғлиқ. Умуман, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида оила, тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш корхонаси ва жамоат ташкилотларида психологик билимлардан фойдаланиш таълим-тарбиянинг, шахслараро ижобий муносабатлар ўрнатишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг гаровидир.

Ўтган аждодларимиз психологик муаммоларни изчил ва атрофлича, муайян йўналишда, маълум концепция асосида ўрганмаган бўлсалар ҳам, алломаларнинг асарларида мазкур ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши ва ўзгариши тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Булар тўрт хил манбаларда учрайди. Буларнинг биринчиси — халқ ижодиёти — ривоятлар, мақоллар, маталлар ва масаллар, иккинчиси — махсус ижодкор кишилар (ҳатто ҳукмдорлар) муайян шахсга бағишлаб ёзган ўгитнасиҳат ва ҳикоятлар; учинчиси — Ўрта Осиё қомусий мутафаккирларининг илмий-назарий қарашлари; тўртинчиси — турли даврларда ижод қилган шоир ва ёзувчилар ижодининг маҳсуллари, яъни бадиий асарлардир.

Абу Наср Фаробийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги ахлоқий-фалсафий мушоҳадалари "Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари", "Масалалар моҳияти", "Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар", "Ҳикмат маънолари", "Ақл маънолари тўғрисида"ги асарларида баён этилган. Абу Райҳон Беруний ўзининг "Ўтмиш ёдгорликлари" ва яна бошқа қатор китобларида инсон ҳаётига доир хилма-хил маълумотларни келтиради. Беруннийнинг инсон ҳаёти ҳақида Ибн Сино билан ёзишмаларидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ибн Синонинг беш жилдлик "Тиб қонунлари" асарида организмнинг тузилиши, ундаги асаб толалари ва йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик ҳолатлар ҳақида анча муҳим маълумотлар бор. Унинг "Одоб ҳақида" рисоласи ҳам инсон шахсини шакллантириш тўғрисидаги жиддий ва аҳамиятли асардир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялаш бўлиб, у бу ҳақдаги ўз эзгу таклифларини билдиради. А.Навоий, А.Жомий, Бобур, Фароғий, Мажлисий, Машраб, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Бедил, Завқий, Ҳамза, А.Авлоний ва бошқаларнинг шахс психологиясига доир қарашлари ҳам турли жанрлардаги асарларида равон ва изчил баён қилиб берилган.

Бугунги кунда психология фанининг инсон ва жамиятни ўрганувчи фан сифатидаги аҳамияти ҳам жуда баланд. Бу борада психологиянинг "Умумий психология", "Ёш ва педагогик психология", "Ижтимоий психология", "Оила психологияси", "Меҳнат психологияси", "Инженерлик психологияси", "Спорт психологияси", "Юридик психология", "Тиббиёт психологияси" ва бошқа шу каби тармоқлари ўз илмий-амалий маълумотлари билан тавсия этилган. Ўзбе-кистон Президенти ўз нутқларида республикамиз мустақиллиги шароитида инсонларнинг психологиясини ўзгартириш, янгича тафаккурни шакллантириш, уларда боқимандалик кайфиятининг йўқотиб, ўз-ўзини, ўз мулкини ва ўз лаёқатларини англатиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтганлар. Бу эса бугунги психология фани олдига Президентимиз томонидан илгари сурилаётган қонуниятларни ўрганиш ва фан ютуқларини амалиётда қўллашдек масъулиятли вазифаларни қўяди.

Сўнгги йилларда меҳнат психологияси, инженерлик ва ижтимоий психология фанлари ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик ўрната туриб, бир мунча тажриба тўплади. Бу ишлар асосан меҳнатнинг оптимал режимларини аниқлаш, меҳнат қилиш лаёқатини оширишга психологик омилларнинг таъсир этиш механизмларини ўрганиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалаларини ечиш ва уларни касбга йўналтириш масалалари билан боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда психологларнинг ҳам ўз ўрни ва таъсири бор.

Буни ҳис қилган ҳолда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети психологлари томонидан педагогика олий ўқув юртларида психология фанини ўқитишнинг янги концепцияси ишлаб чиқилди. "Умумий психология", "Ёш даврлари ва педагогик психология", "Ижтимоий психология" курслари бўйича дастур ва қўлланмалар яратилди. Замонавий психология фани ютуқларини акс эттирган янги ўқув қўлланмалари нашр этилди. Буларга мисол тариқасида "Умумий психология", "Психология" қўлланмаларини кўрсатиш мумкин.

Республикамиздаги барча малака ошириш институтлари ва олий ўқув юртларининг малака ошириш факультетларида психология фани ўқитилишига ва унинг ютуқларини ҳаётга, амалиётга жорий этилишига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун амалиётчи психологлар тайёрлашнинг йўлга қўйилгани ниҳоятда аҳамиятлидир. Айниқса, психология бўйича фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлаш ишига алоҳида эътибор берилаётгани диққатга сазовордир. 1991 йилдан бошлаб университетнинг махсус кенгашида, кейинчалик эса Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг махсус кенгашида 5 та докторлик ва 80 га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Бўлғуси ўқитувчиларни педагогик фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлаш самарадорлигини ошириш таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллашни талаб этади. Муаммоли методлар, ўқув мунозаралари, психологик масалаларни ечиш, педагогик вазиятни психологик таҳлил этиш, психологик ўйин ва тренинглар бугунги кунда самарали натижа бермоқда.

Республикамизда меҳнат психологияси, юридик психология йўналишлари бўйича жуда кам иш олиб борилмоқда. Республика Фанлар Академияси психология муаммоларига жуда кам даражада эътибор бермоқда. Жаҳон психология фани ютуқларини оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио матбуот) орқали ёйиш масаласи эътибордан четда қоляпти. Таълим тизимида турли корхона ва муассасаларда психологик хизматни ташкил этиш муаммолари ҳам охиригача ўз ечимини топгани йўқ. Юқори малакали психолог мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг II босқичи давомида психология фанининг асосий вазифаси таълим тизими сифатини психологик жиҳатдан таъминлаш бўйича тўпланган тажрибаларни бойитиш, кадрлар тайёрлашнинг барча тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга бориб тақалади. Бугунги кунда психологик тадқиқотларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, тегишли илмий адабиётлар чоп этиш "Психология ва ҳаёт" илмий журналини таъсис этиш, бизнингча, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўларди.

М.Г.ДАВЛАТШИН,
психология фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

Ш.ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
психология фанлари номзоди, доцент

Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманидаги 30-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Зулфия Ғуломова ўқувчиларнинг ҳар бир тушунчани қандай ўзлаштиргани билан қизиқади ва уларни саволларга тутади. Натижада ўғил-қизларнинг ўзлаштиришлари чакки бўлмаяпти. Бундан ота-оналар ҳам мамнун.

Суратда: фидойи муаллима Зулфия Ғуломова дарс пайтида.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

КОМПЬЮТЕР ДАСТУР ТУЗАДИ

Суҳбатдошимиз Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 2-курс аспиранти Саодат Одилова. У ҳозирда "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" кафедрасида изланишлар олиб бормоқда.

— Саодатхон, сиз изланиш олиб бораётган мавзунинг аҳамияти ҳақида гапирсангиз.

— Мен "Ўзбек тилини рус гуруҳлари талабаларига компьютер воситалари ёрдамида ўқитиш" мавзусида изланиш олиб бораяпман.

Маълумки, компьютер воситалари деганимизда, кундалик турмушда фаол қўлланилаётган технологиялар тушунилади. Шунингдек, инглиз тили, немис тили ва бошқа хорижий тилларни дастурий таъминот ёрдамида ўқитиш назарда тутилади. Бунинг турли хил усуллари мавжуд. Масалан, битта компьютер ва бутун бир гуруҳ ёки бошқа схема бўйича ҳар бир ўқувчига, ҳар бир талабага алоҳида компьютер тўғри келади. Яъни биз дискни компьютерга қўямиз, дастур ўзи ўқитувчи сифатида дарсни, янги мавзуни тушунтиради, мустаҳкамлайди ва шунга мос тестлар ўтказади. Бу, албатта, ўқитувчи ролини камайтирмайди, ўқитувчи бу жараённи бошқариб туриши керак. Айниқса, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш жараёнида кўп қизиқарли саволлар пайдо бўлади. Бу саволларни олдиндан дастурлаб қўйишнинг имкони йўқ. Шу боис, ўқитувчи дарсда албатта, қатнашиши зарур.

— Ушбу мавзу қай даражада амалиётга татбиқ қилиняпти?

— Биз бир неча компьютер дастурларини яратдик ва уларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети рус гуруҳлари талабаларининг машғулотини ўзбек тили дарсида қўллаб кўрдик. Яқин кунларда бу тажрибанинг натижаларини математик ҳисоблаш ёрдамида кўриб чиқамиз. Умуман олганда, бу дастурларга қизиқиш жуда катта. Улар орқали талабаларнинг ўрганиш, ўзлаштириш қобилияти, фанга бўлган қизиқиши янада ортади, чунки у мавзуни мультимедиа воситалари, ранг-тасвир, графика, мультипликация, анимация, видео, овоз каби воситалар ёрдамида тушунтиради. Бу эса ўтилган мавзунинг 75-80 фоиз эсда сақланишини таъминлайди. Буни эса ҳозирги кунда энг керакли ва энг долзарб йўналишлардан деб ҳисоблаймиз.

— Сизнинг бу борадаги ижобий ишларингизни амалга оширишда қандай қийинчиликлар мавжуд?

— Энг катта қийинчилик техник таъминот билан боғлиқ. Сир эмаски, ҳали мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида компьютер синфлари етарли даражада эмас. Нафақат информатика дарслари учун, балки гуманитар, техник йўналишдаги, барча табиий фанлар йўналишидаги дарслар учун ҳам бизда маблағ, компьютер хоналари мавжуд бўлиши керак. Шундагина биз бу воситалардан бемалол фойдалана оламиз. Бундан ташқари, ўзбек тили бўйича ҳам компьютер дастурлари ҳали мавжуд эмас. Бу борада чет тили, жуғрофия, фалсафа, миллий истиқлол ғояси каби йўналишларда яратилган дастурлар ўзбек тилини ўқитиш бўйича дастур тайёрлашда қўл келади.

— Илмий изланишларингизда зафарлар тилаймиз.

Н.МАМАЖОНОВА
суҳбатлашди

Усмон Носир шу қисқа фурсатлик ижоди билан баъзилар бир умр ижод қилиб эриша олмайдиган умрбоқийлик чўққисига кўтарила олди.

"Сен менинг ниятимнинг ўзига эмас, ниятимнинг камолига боқгил" деб жавоб беради. "Мени бу йўлга муҳаббат бошлади. Мен тепа нарёғидаги бир ғумолнга ошиқман, тепа мени ундан ажратиб туради.

ИЖОД ЙЎЛИДАГИ МАНГУ СЎҚМОҚЛАР

Anglash

Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!
Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман!

Шоирлар борки, умр бўйи ижод билан шуғуллансаларда, ўз услубига ва ўз овозига эга бўлолмасдан ўтиб кетишади. Улар ёзган асарлар китобхон хотирасидан тезда ўчиб кетади. Шоирлар борки, асарлари илк намуналаридаёқ тилга тушади, поэтик кашфиёт сифатида эътироф этилади, ўз китобхонига эга бўлади ва мангуликка дахлдор ноёб ҳодисага айланади.

Истеъдодли шоир Усмон Носир ижоди, бизга қолдирган адабий мероси ҳам ана шундай мангуликка дахлдор бўлган чинакам санъат намунаси ҳисобланади.

Усмон Носир жуда қисқа умр кўрди. У эркинликда атиги 24 ёшгача яшади. Қисқа муддат ичида бешта шеърлар тўплами ("Қуёш билан суҳбат" (1932), "Сафарбар сатрлар" (1933), "Тракторобод" (1934), "Юрак" (1935) учта достон ("Норбўта", "Нахшон", "Шоир") ҳамда тўртта драма ("Атлас", "Зафар", "Сўнгги кун", "Душман") эълон қилди. Булардан ташқари, Н.А.Добролюбовнинг "Ҳақиқий кун қачон келади?", В.И.Киршоннинг "Улуғ кун", А.С. Пушкиннинг "Бокчасарой фонтани", М.Ю.Лермонтовнинг "Демон" асарларини, шунингдек, Пушкин, Лермонтов, Гёте, Гейне, Байрон ва бошқа классик шоирларнинг бир қатор шеърларини ўзбек тилига ўгирди. Усмон Носир шу қисқа фурсатлик ижоди билан баъзилар бир умр ижод қилиб эриша олмайдиган умрбоқийлик чўққисига кўтарила олди.

Усмон Носир асарларини мангуликка дахлдор қилган нарса нимада? Ҳамон ўз китобхонларининг қалбини ларзага солиб, нималаргадир ундаб, нимагадир чорлаб, ниманидир инкор этиб, бир сўз билан айтганда, руҳий муносабат уйғотишининг боиси не?

Усмон Носир ижодини тадқиқ қилган устоз адабиётшунослар шоир ижодининг энг муҳим жиҳатлари сифатида ёшликка хос шижоат, жўшқинлик, ростгўйлик, саммийлик, ҳассослик, муросасизлик каби хусусиятларни эътироф этишган. Дарҳақиқат, ушбу хусусиятлар Усмон Носир ижодининг безаги, бошқа замондошлари ижодидан ажралиб турадиган жиҳатлардир.

Шоир ижодининг лирик чўққиларидан ҳисобланмиш "Юрак", "Яна шеьримга", "Монолог", "Денгизга", "Йўлчи", "Нил ва Рим", "Таъзим", "Боғим" шеърларида, шунингдек, "Нахшон" достонининг бутун мундарижасида шоир табиатига хос шижоат, саркашлик, муросасизлик яққол сезилади.

Маълумки, шериятдаги етакчи образлардан бири "қўнгил" образидир. Ҳар бир ижодкор ўз ижодида албатта бу образга мурожаат қилади. Унинг у ёки бу жиҳатини поэтик кашф этишга интилади.

Усмон Носирнинг "Юрак" шеърида "қўнгил" образи ҳам маънавий асосларнинг уйғунлигига эришилган ҳолда яратиладики, бу шоирнинг ўзига хос маҳоратини белгиловчи бош хусусиятлардан биридир. Шеърда поэтик образ даражасига кўтарилган "юрак" детали инсон маънавияти қирраларини, лирик қаҳрамоннинг шижоатини, ватанпарварлигини, унинг шахс сифатидаги маънавий-маърифий қиёфасини ёритишда асосий ва маънавий воситага айланади. Унинг бошқа бир қатор шеърларида ҳам "юрак-қўнгил" образи ўзига хос тарзда яратилган. Шу жиҳатдан шоирнинг "Қушча каби деразамга урар қанотин" мисраси билан бошланувчи шеъри характерли. Шеърда лирик қаҳрамоннинг яқинлашиб келаётган куз фаслига бўлган руҳий муносабати ифодаланган. "Водийлардан чечак тақиб келган сентябрь", яъни ўз ҳусн-таровати, сўлим манзаралари билан лирик қаҳрамон кўнглида ўзгача туйғулар уйғотади. У куз манзараларидан завқ олади, туйғулари бесабр қайнайди. Унинг учун созга-найга айланган, тилини найга жўр этган юракнинг шу чоғдаги ҳолатини қуйидагича тасвир этади:

Шу чоғдаги юрагимни тинглангиз ҳой, ҳу...
Акс-садо гумбурлайди гўё замбарак;
"Сезгиларнинг бебозори — менимча туйғу,
Менга шодлик ва гулларнинг лаблари керак!"

Акс-садосининг ўзи замбаракдек гумбурласа, товуши қай даражада экан? Ҳа, лирик қаҳрамоннинг юрак зарбларини тасаввур қилиш мумкин. Бу бозорларга солинмайдиган, тарозуда тортилмайдиган сезгиларнинг ичида энг бебаҳоси ҳисобланмиш туйғуларнинг зарбидир. Шодлик ва нафис гулларнинг лабларидан мунаввар бўлган туйғу, Шоир шеърлари юрагига сиғмай, жўшиб акс-садо бераётган гўзал туйғуларнинг мевасидир. Шоир юраги бежиз "сезгиларнинг бебозори — менимча туйғу", дея ҳайқирмайди. Ахир ҳақиқий шеър ўша гўзалликда тенгсиз, қўнгилда туғилган туйғудан яралади.

Шоир ижодини, шериятини нурлантириб турган энг муҳим жиҳат ҳам бизнингча шу типдаги поэтик образларни маҳорат билан ярата олишида, уни бошқаларникига ўхшамайдиган, оригинал поэтик мазмун билан бойита олишида, лирик, қаҳрамон руҳиятини фавқулодда моҳирлик билан кашф этишга хизмат қилдира олишдадир.

Усмон Носир "Яна шеьримга" шеърида ўзининг юрак тубидаги самимий кечинмаларини, ҳисларини "шеър" образи орқали очиб беради. Илк сатрларда лирик қаҳрамоннинг жонига, юрагига қиёс қилинган шеър кейинги мисраларда шу юракнинг дарду алами ҳам, қувончу шодлиги ҳам эканлиги эътироф этилади:

Юрагимнинг дардинақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт булурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Учинчи мисрадаги қисман лирик чекиниш "шеър"ни юракнинг ишқ ўтига ҳамоҳанг қилиб кўяди, Ошиқ борки, у дард чекади, ҳижрон азобидан тўлғонади, юраги ўт бўлиб ёнади, лекин барибир маъшуқасига бўлган муҳаббатидан воз кечмайди, аксинча унга интилади, висолга умид боғлайди. Усмон Носирнинг лирик қаҳрамони ҳам ишқ азобидан баҳра олади, у бу дарднинг камайишини эмас, аксинча ортишини истайди.

Бутун умрим сенинг бўйнингда.
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен — мажнунман, шеърим, сен — Лайли!

Ушбу сатрларда лирик қаҳрамон туйғулари, қалб туғёнлари ўзининг кульминацион чўққисига кўтарилади. У ўзини ишқ султони — Мажнун, Ойбек шеъриятида эса бу образлар аввало, ижодкорнинг ҳаёт йўли, у йўлдаги зиддиятлар, курашлар, лирик қаҳрамоннинг ўз истаги йўлида чиқарган қатъий ҳукми, қарорини ифодаласа, иккинчи бир томондан бу образларда шоирнинг ижод йўли, бу йўлда кўзлаган мақсад, амаллари, орзулари рамзий бўёқларда акс этади. Усмон Носир ҳам "йўл" "йўловчи" образларига мурожаат қилиб, "Йўлчи" шеърини ёзади. Усмон Носир кўзлаган йўл бу аввало улуғ даргоҳ — шеърият олами сари элтувчи йўл эди. У шу йўл сари бутун кучини, ғайратини сарфлаб сафарга отланган эди. "Йўлчи" шеърида ўзини шу йўлда "қора тойчоғига" миниб улуғ ниият билан узоқ сафар йўлини кўзлаган йўлчи деб билади. Унинг "қора тойчоғи, йўрғаси" эса ўз шеърларидир. Зеро, шеърда шоир "Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам", дея тойини тезроқ, яна ҳам тезроқ одимлашга ундар экан, оқ қоғоз юзига тўкаётган сатрларини назарда тутади. "Ширин бўлди ҳаёт иқлими" мисраси билан бошланувчи шеърида эса шундай ёзади:

Тойим учар... ҳо... анча олдин,
Қўлга олиб истак-раъйимни.
Баланд қўйиб эрка найимни
Катта йўлга чиққанман ойдин.

"Шеър" гўё эртаклардаги учар от каби учади. Ўз соҳибининг орзу-армонларини ўзида мужассам этиб боради. Бошқа бир шеърида эса "қора тойчоқ", "қора йўрға" ўхшатишлари қолиб, тўғридан-тўғри "Чу!.. шеърим", дея шеърига мурожаат қилади:

Чу!.. шеърим.
Чу, ўртоқ,
Қанот бўлсин ел,
Эҳ... қанот бўлсин ел
Учар йўлларда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Усмон Носир ижод йўлида ўзига хос бўлган йўловчи сифатида ўзининг сўқмоғини оча олган йўлчи юлдузлардан биридир. Шоир таваллудининг 90 йиллиги нишонланаётган бугунги маънавий юксалиш даврида биз унинг ижод майдонида яратган сўқмоғи шеърият оламида мангуликка дахлдор эканлигини яна бир карра ҳис қиламиз.

Нафиса УМРЗОҚОВА
ТДПУ аспиранти

ЎҚУВЧИНИ ҚИЗИҚТИРАДИГАН УСУЛ

Sinab ko'ring

Ватан туйғуси тушунчасини ўқувчилар онгига сингдиришда синфдан ташқари олиб бориладиган турли машғулот ва ўйинларнинг аҳамияти катта.

Шу мақсадда ўқувчилар ўртасида ўтказилиши мумкин бўлган бир интеллектуал ўйинни тавсия қилмоқчимиз.

Буни ташкил қилиш унчалик мураккаб эмас ва ҳар бир синф раҳбари ўз қўлида мавжуд материаллардан фойдаланиш имкониятига эга.

Бунинг учун бир хил ўлчамда тўғри тўртбурчак шаклида қоғоз карточкалар тайёрланади. Бу ўйинни ўқувчиларнинг ёшига ва синфига қараб соддароқ ёки мураккаблаштирилган ҳолда қилиш ҳам мумкин.

Тайёрланган карточкаларга бошланғич синф ўқувчилари учун вилоятлар, уларнинг марказлари ва улардаги туманлар, юқори синф ўқувчилари учун ҳамдўстлик мамлакатлари ва уларнинг пойтахтлари, шунингдек, дунё мамлакатлари ва уларнинг пойтахтларини киритиш мумкин.

Синфдаги ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Ўқитувчи томонидан вилоят ёки давлат номи ўқилади, қайси команда шу вилоят маркази ёки давлат пойтахтини тўғри топса карточка шу командага берилади.

Қайси команда кўп карточка йиғса, ғолиб ҳисобланади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, бундай ўйинни ўқувчилар қизиқиб ўйнайдилар ва ҳар бир янги маълумотни хотираларида яхши сақлайдилар. Айтиш керакки, ушбу ўйин мавзу жиҳатдан чегараланмаган.

Ўйин натижасида ўқувчилар Ватанимиздаги вилоятлар, уларнинг марказлари, улардаги туманларни билиб оладилар. Бундан ташқари, уларнинг интеллектуал қобилиятлари ҳам ривожланади.

Р.ВАЛИЖОНОВ,
Учқўрғон тумани "Фан" илмий маркази ходими

Tanlov

"МЎЪТАБАР ҚАРИЯЛАРИМИЗ"

Ўтган Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Тошкент фото уйи, Замонавий Санъат Маркази ҳамкорлигида "Мўътабар қарияларимиз" фото танлови ўтказилди. Танловга Озарбайжон, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Молдова, Латвия, Туркия, Украина, Франция, Швейцария, Эстония, Япония ва Узбекистондан 227 муаллифнинг 1084 асари қабул қилинганди. Ва шулардан 164 нафар муаллифнинг 400 дан ортиқ фото асарлари Замонавий Санъат Марказида намойиш этилди.

Танловнинг олий соврини "Бувижоним — йил ўтган сайин" фото суратлар туркумига (Жан Кристоф Беше, Франция), биринчи соврин "Тонгги қуёш завқи" фото портретига (Кин Сюфен, Хитой), иккинчи соврин "Она" фотосуратига (Михаил Головочев, Узбекистон) ва учинчи соврин икки фото асар "Бош ошпаз" (Биби Марям байрами— Константин Гроздев, Украина) ва "Исм қўйиш" (Александр Федоров, Қирғизистон) асарларига берилди.

"Мўътабар қарияларимиз" фото танловига юборилган мингдан ортиқ асарларда сайёрамизда яшаётган кекса авлод кишиларининг сиймолари акс этди. Мазкур кўргазмага ташриф буюрган киши ана шу авлод билан мулоқотда бўлади, гуё улар билан суҳбатлашади.

Шунингдек, асарларда кексалар ҳаётидаги мавжуд муаммолар, ташвишлар ҳам ўз аксини топган.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

Teran tomirlar

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ

(Учинчи мақола)

Нафақат мактаб ўқувчиларида, балки адабиёт фани муаллимларида ҳам мумтоз шеъриятимизга қизиқиш сустроқ. Албатта, бу борада махсус сўровнома ўтказган эмасмиз. Аммо, хизмат тақозосига кўра, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келадиган ижодкор ўқитувчилар билан мулоқотга киришамиз. Аксарият ўқитувчиларнинг F.Ғулом, Ҳ.Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ойбек, А. Орипов,Э.Воҳидов, М. Юсуф, Ҳ. Худойбердиева, С.Саййид шеърларини кўп мутолаа қилгани маълум бўлади. Мумтоз адабиёт борасида эса улар А. Навоий, Бобурнинг бир-икки рубоийлар, ғазалларидан нарига ўта олмайдилар. Шахсий кузатувимча, "Хазойинул маоний"ни тўла ўқиб чиққан адабиёт муаллимлари жуда кам.

Бу ёруғ оламда сабабсиз нарсанинг ўзи йўқ. Хўш, нима учун жаҳон адабиёти дурдона асарлари сафидан аллақачон ўрин олган мумтоз назмга ихлос кучли эмас? Боиси, Шарқ фалсафасининг мактаб партасида мутлақо ўрганилмаганлиги, талқин қилинмаганлигидир. Биргина мисол: Фаридиддин Атторнинг "Илоҳийнома", Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Ичингдаги ичингдадир" асарлари ҳали адабий истеъмолга тўла кирмаган. Биринчи рисолани форсийдан таниқли олим Нажмиддин Комилов насрий усулда ўзбекчалаштирган. Талқин Ф. Аттор фалсафасини ўта соддалаштириб беради. Қаранг, ўша рисолаларни мутлақо ўқимаган муаллимлар ҳам бор экан. Бу эса ўз навбатида мумтоз назмга борар йўлни бекитади. Тасаввуф бўлмаса, мумтоз шеърият зичлаб қулфлангану калити яширилган сандиқдек бир гап.

Масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд. Олийгоҳларда узоқ вақтлар мобайнида Европанинг утопик фалсафаси ўқитиб келинган. Ҳозирги кун муаллимлари ўша таъсир остидалар. Алҳол, фалсафанинг "ф" ҳарфи қулоққа чалиниши билан аксарият ўқитувчиларда "руҳий аллергия" кўзғалади. Яъни, кўпчилик фалсафани зерикарли фан деб билади. Зинҳор бундай эмас. Шарқ фалсафаси авом халққа ҳам, хос кишиларга ҳам бирдек тушунарли бўлган. Ота-боболаримиз қишнинг узун тунларида навоийхонлик, машрабхонлик, бедилхонлик қилганларини бир эслаб кўрайлиг-а? Улар мутолаа баробарида тасаввуф хусусида баҳслашган эдилар ҳам. Бу тўғрида кейинги мақолаларда тўхталамиз. Энди гапни мухтасар қилиб Шарқ фалсафаси даҳоларидан бири Фаридиддин Аттор шахсияти масаласида фикр юритсак.

Умрининг фожеали якуни жиҳатидан Ф. Аттор Мансур Халлож ҳазратлари билан деярлик қисматдош эди. Бу ҳақда "Илоҳийнома" муқаддимасида Н. Комилов шундай деб ёзади: "Атторнинг ўлими ҳам фожиали содир бўлган. У ўз ажали билан ўлган эмас, балки лаънати мўғуллар қўлида ҳалок бўлган. Мўғуллар бало-қазодай Эрон ерларини талайдилар, шаҳарларни ёндирадилар, китобларни қуйдирадилар, уламоларни қатор қилиб сўядилар. Ҳар бир мўғул аскари қўлига тушган нарсасини ўмариб кетар, истаган одамини асир қилиб, қул сифатида сотар ёки қилич билан чопиб ташлар эди. Ривоят қиладиларким, бир мўғул аскари Атторни асир қилиб олиб, боғлаб, судраб борарди. Йўлда шоирни танийдиган бир одам учраб қолади. У шоирга раҳми келиб, мўғулга қараб: қулингни менга сотгин, минг динор бераман, дейди. Мўғул рози бўлиб турганда, Аттор: бу кам, сотма, мен қимматман, деб айтади. Мўғул минг динорга бермай, яна судраб кетади. Йўлда бошқа бир одам учраб қолади. Мўғул ўз "молини" унга таклиф этади. У одам: майли, бир қоп сомон бераман, дейди. Шунда Аттор мўғулга қараб, тезда рози бўлгин, мен бундан ортиққа арзимайман, дейди. Жаҳли чиққан бадбахт мўғул шоирни шу заҳотиёқ қилич билан чопиб ташлайди. Дунёни илоҳий сўз билан тўлдирган, маънолар кошифи улуғ шайх Фаридиддин Аттор ана шу тариқа кофир мўғул қўлида шаҳид бўлиб, ўзи интилган парвардигор ҳузурига йўл олди". Мазкур ходиса 1229 йилда содир бўлган экан.

Хаёл қилайлик. Атторнинг ўрнида бошқа бир одам асирга тушганида аскарга "Мен фалончи олимман. Дарров сардоринг олдига олиб бор. Эвазига тилла танга бераман" демасмиди? Аттор бундай қисматни ўзига раво кўрмаган. Негаки, у ўзида "менлик" тушунчасини йўқотган эди. Яъни бошқалар сингари оддий бандаман, дея ҳисоблаган. Бу — бир. Иккинчидан эса, мазкур мақомга кўтарилган файласуфлар воқеалар ривожига қараб қандай якун топишини аниқ билганлар. Тутқунлик улар учун ўлим билан баробар эди. Шу боисдан, руҳни омон сақлаб жисман ўлишни ихтиёр этишган.

Буюк ватанпарвар Шайх Нажмиддин Кубро "Хоразмни тарк қилинг" дея нома йўллаган Чингиз таклифини рад этиб, мўғул туғини тортқилаб шаҳидлик майини ичганини кўпчилик билади. Ф. Аттор Кубронинг содиқ шогирди Шайх Мажидиддин Бағдодий қўлидан дервешлик ҳирқасини кийгани ҳам маълум.

Хўш, Ф. Аттор қандай ғояни илгари сурган эди? Унинг ғоялари Мансур Халлож таълимотининг узвий давомидир. Улуғ файласуф инсон шахсиятига катта баҳо беради. Аттор наздида, "Мутлақ руҳ оламни яратиб, четдан томошабин бўлиб қараб турган эмас. У олам билан бирга, оламнинг вужудида мужассам, олам вужуди унинг вужудининг давоми: "Эй дин кишиси, дарҳақиқат, нимаики кўрсанг, бу аслида Ҳақнинг ўзидир". (Н. Комилов талқини).

Аттор турли-туман ақидаларни хуш кўрмайди. Ўз навбатида эса унинг ҳур фикрлари айрим мутакаллимларнинг ғазабини келтиради. Ақидапарастларнинг наздида ҳар битта ашёда Ҳақни кўриш Аллоҳнинг ягоналигини шубҳа остига қўяди. Дейлик, қурбақа ёки илонда ҳам Ҳақ акс этадими? Аттор "албатта шундай" деб жавоб қайтаради. Негаки, ўша махлуқларни ҳам худо яратган. Демак, Ҳақ барча-барча ашёларда кўринади. Мутлақ руҳ асрори эса инсоннинг ичидадир.

Улуғ файласуф кўр-кўрона тақводорликка қарши курашади. Инсон ўзини танимас экан, демак, Ҳақни ҳам танимайди. Моҳиятни тушунмай адо этилган ибодатдан не маъни? Аттор фикрича: "дунё —қудуқ, моддият, вужуд — қудуқдаги сув. Инсон руҳи шу қудуқ зиндонида асир. Қудуқнинг суви кўзларимиз олдини парда бўлиб тўсиб олган: (Сен сув ичидасан ҳозир, аммо бундан қандай қилиб қутулишни билмайсан, сен ҳозир сувдасан ва парданг ҳам сувдир, эй дўст, бу сувда бундай ғарқ бўлиб қолма!). (Н. Комилов талқини).Энди бу фалсафага ойдинлик киритайлик. Инсонга ақлу заковат ато этилган. Инсон ақлини ишлатиб нима яхшию нима ёмонлигини билади. Ўз манфаатларига зид нарсани кўрса ортга тисарилади. Хатоларидан хулоса чиқариб, ҳар битта қадамини ўйлаб босади. Ҳаётига хавф туғилганида эса ўша хатар шарпасидан қай йўсинда фориғ бўлишни ўйлайди. Чора ахтаради. Шу алфозда унинг ақли халоскор мақомида кўринади. Алҳол, юз бериши муқаррар бўлган ҳодисотлар гирдобидан инсон ақл-заковат воситасида чиқиб кетмоғи ҳам мумкин. Мабодо у ақлини ишлатмаганида эди, илк ҳаракат чоғидаёқ ҳалок бўларди. Одамлар ақл машъаласи остида ўзларини ва дунёни қутқарадилар. Хўш, бу Ҳақдан устун келишми? Йўқ, балки Ҳақ қудратини тан олишдир. Негаки, инсон ўз миясини ўзи яратмаган-ку ахир?

Сув ичида туриб сувга ғарқ бўлмаслик ғояси охир-оқибатда ўзликни излаб топиш салоҳиятига боғланади. Ҳа, ўзликни танишда ҳикмат кўп. Н. Комилов ўша ғояни талқин қилиб мулоҳаза юритадики: "Аттор фикрича, инсон то ўзлигини ва ўз илоҳини танимаса, у чин инсон эмас. Ўзлигини танимаган киши қурт-қумурсқа, парандаю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Инсон эса бу дунёнинг қудуғидан қутулиши, оламни қучиши даркор. Бунга илоҳий маърифатни эгаллаш, ҳикмат ва билим орқали эришилади".



Демак, инсон ўзлигини маърифат воситасида танир экан. Хўш, маърифатли бўлмоқ учун нима қилмоқ керак? Китоб ўқимоқ, ҳикматларни уқмоқ, яхши амалларга риоя айламоқ даркор. Дейлик, ўқимаган аждодларимиз тошни тошга ишқаб учқун чиқарганлар ва ўша учқуннинг ўзидан ҳам ҳайиқишган. Ўқиган аждодларимиз эса самолёт ясаб кўкка парвоз қилишди. Космик кемаларда ўзга оламлар сари илк қадам қўйди. Мабодо, маърифат бўлмаганида бу кашфиётлар тушимизга ҳам кирмасди-ку ахир? Демак, Аттор айтганидай, инсон ақлини ишлатиб қудуқдан чиқади ва чексизликни қучади.

Атторнинг фикрича, жисм тупроқдан ясалгани боис ўткинчи. Бироқ руҳ абадул абад ўлмайди. Аммо, агарда инсон ўз руҳини парваришлаб маърифат чўққисига чиқса, комиллик касб этмоғи мумкин. Бу узоқ юриладиган йўлдир. Бироқ, нима бўлганда ҳам инсон комиллик сари интилмоғи жоиз.

"Сулаймон ва Чумоли" нақлида Аттор ана шу фалсафага ишора қилади. Сулаймон шоҳ, пайғамбар. Унга инсу жинс, жаъмики махлуқлар тоат этади. У қурту қумурсқа, парранда тилларигача билади. Кунлардан бир куни ўшал зот дабдаба ила чумолилар тўдаси ёнидан ўтади. Ҳамма чумоли унинг олдига келадию биттаси ўз ишини давом эттираверади. Нақлни ўқиймиз: "Ул чумолининг уяси олдида бир тепалик бор эди, у бир ўзи якка тан бўлиб, шу тепалик тупроғини бошқа ёққа тортар, тепаликни буткул ташиб, уйининг олдини текислаш пайига тушган эди. Сулаймон уни олдига чақириб, деди:

—Эй чумоли, сени жуда бетоқат ва ташвишли кўраяпман. Агар сенда Нуҳ умрию Айюб сабри бўлса ҳам бу улкан тепаликни ташиб битказолмайсан. Бу сенинг ишинг эмас, шу тепаликни ташиб битказиш мумкинми?"

Аттор талқинича, чумоли Сулаймонга "Сен менинг ниятимнинг ўзига эмас, ниятимнинг камолига боқгил" деб жавоб беради. "Мени бу йўлга муҳаббат бошлади. Мен тепа нарёғидаги бир чумолига ошиқман, тепа мени ундан ажратиб туради. Ул чумоли менга: шул тепани орадан кўтарсанг, васлимга етиб, бахтиёр бўласан, деди. Бу ҳижрон деворини ташиб тугатмасам бўлмас. Шу боис ҳозир бу ишга белим боғлаб турибман, бундан бошқа нарсани билмасман. Агар тепаликни ташиб йўлни тозаласам,—минг-минг розиман". Буюк файласуф чумоли образи орқали фидойи инсон сиймосини тасвирлайди. Негаки, ишқ ҳамма нарсага қодир. "Чумолига паст назар билан қарама, чунки унинг ҳам қалбида ишқ инқилоби мавжуд", деб таъкидлайди Аттор.

Файласуфнинг фикрича, бу рўйи заминда майда нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Худди шу жиҳатдан, Н.Комиловнинг талқинлари ҳақиқатга яқин: "Жамики ашёлар, ҳодиса ва сифатлар яккалик, алоҳидалик ва умумийлик қонуниятига бўйсунади. Яккалик ва умумийлик ўзаро зид ва айни вақтда ўзаро вобаста категориялар. Яккаликсиз умумийлик ва умумийлиги бўлмаган яккалик йўқ. Ҳар бир яккалик (жузъ)да умумийнинг хусусияти мавжуд, табиий равишда умумийлик яккалик хусусиятларининг жамидир. Яккалик аксар конкрет шакллар, сонлар, сифатларга, ашёларга қараб фикримизни йўналтирса, умумийлик мавҳумлик томон бизни етаклайди, абстракцияни талаб қилади". Албатта, дунёнинг ривожланиш қоидасини осонликча тушуниб бўлмайди. Лекин қисман ҳис этмоқ мумкин. Худди шу жиҳатдан қаралганда, замонни якка шахс ўзгартиради, деб қараш мантиққа хилоф. Якка шахс умумий ҳодисаларнинг кўзимизга кўринганидир. Дейлик, бир сиёсатчи жаҳонни остун-устун қила олмайди. Аввало, мавжуд вазият пишиб етилмоғи шарт. Ҳодисотлар эса Шахс турткиси воситасида амалга кўчади.

Тарихдан бир мисол. Чингизхон кучга тўлган чоғи Хоразмшоҳлар империясининг ичдан емирилаётган палласига тўғри келиб қолган. Мабодо Чингизхон туғилмаганида эди, бошқа бир жаҳонгир барибир унинг ўрнини босарди. Негаки, вазият пишиб етилган. Фалсафа қоидаси бўйича, майда нарсалар бирлашишга, йирик нарсалар парчаланишга мойил.

Ф. Атторнинг комил инсон борасидаги мулоҳазалари баландпарвоз эмас. Балки ҳаётнинг ўзидан олингандир. "Шайх Саньон қиссаси"да ана ўша ҳақиқат ўз ифодасини топган. Шайх Саньон — ўз замонасининг етук олими. Илму ирфон, кашфда ягона эди. Маккада эллик йил шайхлик қилган. Тўрт юз нафар муриди бор экан. Қаранг, шу улуғ инсон ҳам хатога йўл қўяди. Умри ниҳоясида шайх яна иймонга келади. Демакки, ҳеч бир зот хатою нуқсондан холи эмас. Хатосини тан олиб, тузатишга ҳаракат қилиш орқали комиллик сари қадам қўйилади.

Фаридиддин Аттор фалсафаси ўтмиш қатларида қолиб кетмади. Назм мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари унинг фалсафасини ўз ижодиётида уйғунлаштирди. Зотан, Навоийнинг ақл кўзи "Мантиқут тайр" орқали очилгани маълум. Ҳазрат бу китобни умр бўйи ўқиган, ҳар битта ҳикматидан илҳомланган. Биламизки, мазкур рисола мазмун-моҳияти Мутлақ руҳни таниш ва унга қўшилишдан иборат. Бинобарин, Мансур Халлож, Ф. Аттор, Румий, Навоий сингари буюк шахслар ўзлигини таниган, Ҳақни таниган ва шу орқали инсониятга бебаҳо дурдоналар ато этган шахслар сирасига киради.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

"Ёш оналар мактаби" халқимизнинг тарбиясунослиги борасидаги минг йиллик тажрибасини сақлаб қолган ҳолда айнан шундай узвийликни тарғиб этмоқда.

Фаришта оминига олдими, отамнинг айтганлари ижобат бўлиб, шу инсон қўлида савод чиқардим. Талабчан устозим савод ўрганиш йилларимда "Алифбе" китобидаги ҳар бир шеърни ёд олишимни қаттиққўллик билан талаб қиларди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(33-мақола)

Qonun va fuqaro

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни шундай фаолиятдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Хўш, фермер хўжалиги қандай ташкилот ўзи? У ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Кимлар фермер хўжалигининг аъзолари бўлиши мумкин? Фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иши ўзининг асосий меҳнат жойи бўлган унинг бошлиғи, хотини (эри), болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли бошқа шахслар киради. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар унга аъзо ҳисобланади.

Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари ва тартиби қандай? Фермер хўжалиги танлов асосида, баъзан меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Қонунга кўра, фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалми) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади. Деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачиликда камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларда камида 1 гектарни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлисда қарор билан тасдиқлагандан сўнг, туман ҳокими ушбу қарор асосида ер участкаларини бериш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай? Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш дастлабки муҳим ташкилий босқич ҳисобланиб, мамлакатимизда бу соҳада қадам-бақадам соддалаштирилган тизим томон силжиш бўлмоқда. Фермер хўжалигининг давлат рўйхатидан ўтказилиши унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати вужудга келганлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги қарорига биноан, ўша йил 1 октябридан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар (шу жумладан, фермер хўжаликлари ҳам — муаллифлар) ўз фаолиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида "бир идора орқали" шаклида махсус ташкил қилинган бўлимлар (тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари)да амалга оширишлари белгиланди. Унга кўра, фермер хўжаликлари ушбу бўлимга қуйидаги 8 та ҳужжатни, яъни — ариза, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори, уставнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, хўжаликнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат, рўйхатдан ўтказиш йиғиминнинг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати, фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома, танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари, муҳр ва штамп эскизларини топширишлари лозим. Ариза берилган кундан бошлаб фермер хўжалиги 12 кунда таъсис ҳужжатларини тўлиқ олади.

Фермер хўжалиги қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга? Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлиб, жумладан ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш, маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш, реализация қилиш, чекланмаган миқдорда даромад олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларига сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш, кредитлар олиш, ўрта ва кичик корхоналар учун берилган барча имтиёзлардан фойдаланиш, ходимларни ишга ёллаш ва улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш каби ҳуқуқларга эга. Фермер хўжалиги ўзига қарашли уй-жойлар, иморатлар, экинзорлар, чорва моллари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, ишлаб чиқарган маҳсулот, олинган даромадларнинг мулкдоридир. Фермер хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Унинг мол-мулки амалдаги қонунларга мувофиқ мерос қилиб қолдирилиши мумкин.

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби қандай? Фермер хўжалиги қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, фаолият турини ўзгартириш каби усулларда қайта ташкил этилади. Хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилган, ижара муддати тугаган, у ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаган, унинг экологик ҳолати ёмонлашган, ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилган, фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинган, ижара ҳақи белгиланган муддатларда муттасил тўланмаган, ер олинган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида фаолиятга киришилмаган ҳолларда унинг фаолияти тугатилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда қонун фаол ишламоқда. Мамлакатимиз бозорида минглаб фермер хўжаликлари ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматлари билан қатнашмоқдалар.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ...

"Бир йигит қирқ йилда вояга етади", "Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади". Донишманд халқимизнинг пурмаъно ҳикматларини эслаганимда болалик хотираларим жонланиб кетади. Мен чекка бир қишлоқда туғилиб ўсганман. Киндик қоним тўкилган маскан ва бу ерда яшовчи содда, ҳокисор одамлар ҳамда ҳалол-харомни ажратувчи оила муҳити тарбиямга ва келажакда муаллимликдек машаққатли касбнинг эгаси бўлишимга туртки бўлган бўлса ажабмас. Саводсиз, аммо беш вақт намозу рўзани қазо қилмайдиган Акрамбой отам (бобом) мени Аҳмаджон муаллимдек домла бўлишимни орзу қиларди. Гап келганда: "Аҳмаджон муаллимни қара, юрса кўчани тўлдириб юради, юзидан нур ёғилиб туради, ҳурмати ҳам жойида", дейишдан чарчамасди отам. Фаришта оминига олдими, отамнинг айтганлари ижобат бўлиб, шу инсон қўлида савод чиқардим. Талабчан устозим савод ўрганиш йилларимда "Алифбе" китобидаги ҳар бир шеърни ёд олишимни қаттиққўллик билан талаб қиларди. Шундан бўлса керак О.Шарафуддиновнинг "Алифбе"сидаги шеърларни ҳалигача фарзандларим ва набираларимга ёддан айтиб бераман.

Ариқчадан шилдираб
Ховузчага сув оқар,
Сувда сузиб ўрдак, ғоз
Қанотларини қоқар.
Ғоз қичқирар "ғо-ғо-ғо",
Ўрдак деяр "ға-ға-ға".
Бир-бирини қувлашиб
Шўнғир сувнинг остига.

Раҳматли дадам қишда тенгқурлари билан чойхонада "гап ерди". Дадамга навбат келганда мен тўнғич фарзанд бўлганим учун хизмат қилишга борардим. У ерда дадамнинг жўралари мендан шеърлар ёдлаб беришимни талаб қилар, аксинча чойхонага киритмасликларини айтиб пўписа қилишарди. Мен ёдлаган шеърларимни бир бошдан айтиб бериб, олқиш олардим. Бир куни ўша йиллари болаларга расм бўлган "ГАЗ" русумли велосипедимни миниб, қишлоқ дўконига бордим. Дўкондан харидимни битириб чиқиб, қарасам велосипедим йўқ. Йиғлагудек бўлиб у ён-бу ённи излашга тушганимда, дўкон олдида турган ҳамқишлоқларим кулиб юборишди. Улардан бири эса терак бошига ишора қилди. Не кўз билан кўрайки, велосипедим терак шохига илиб қўйилган эди. Тўпланганлардан новчароғи агар шеър айтиб берсам, велосипедимни олиб беришини айтди. Улар илтимосини керагидан ортиқроқ қилиб адо этганман.

Қишлоғимизда Мулла Охунбой исмли илмли киши ўтган. У киши ён-атроф қишлоқлардаги имомлардан арабча китобларни ўқиб, таржима қилиб, тафсил қилиб бериши билан ажралиб турарди. Афсуски, бу инсон ҳам қувғин остига олинган ва шўро шаккоклари унинг уйида сақлаётган араб ёзувидаги барча китобларини сандиққа жойлашиб масжид ҳовлисига бутун қишлоқ халқи кўз ўнгида кўмишганди. Кўчада доимо ўйчан, ғамгин қиёфада юрадиган бу инсон хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик ундан олдинроқ салом берарди. Салобати босармиди, билмадим, у кишидан олдин салом беришга ҳеч ким улгурмас эди. Отам гап келганда, саломингни канда қилмагину аслида эскичада туя минган отлиққа, от минган эшаклига, эшак минган пиёдага, ёши катта одам эса ёши кичикка салом бериши буюрилганлигини эслатиб қўярди.

Қўшни қишлоқда Йўлдошбой исмли оқсоқол яшарди. Уни ҳамма миршаб бобо деб атарди. Сабаби, у кўчада юрганда, катта йўл устида ўйнаётган болаларни уйига қувиб юборар, "Ҳой, сенларни онанг кўчада туққанми? Бор ҳовлингга кириб ўйна", — дейишдан чарчамас эди. Кўчада бемаҳал гап сотиб, бефойда қаторлашиб турган ўсмирларга: "Бор саф-саф бўлмай уйингга кир, китобингни ўқи, мол-ҳолингга қара. Кўчада сенларга бир нарсани пишириб қўйибдими?" — деб танбеҳ берарди. Шундан бўлса керак ёш-яланглар уни кўриши билан: "Қоч, миршаб бобо келяпти!" — деб ҳайиқиб туришарди.

Болалик хотираларимни ёзиб тугатиб бўлмайди. Эсга олганим — икки-учта лавҳаларни хотирамда тиклар эканман, ўйга ботаман. Хўш, биз ота-оналар, бегоналарни қўя турайлик, ўз фарзандларимиздан бирорта шеърни ёддан айтиб беришларини сўраймизми ёки байрам, туғилган кунларни дабдабали нишонлаётиб, қимматбаҳо совғалар қаторига бирорта китобни қўшганмизми?

Кўчада кетаётиб ўзимиздан кичикка ҳеч бўлмаса синамоқ учун бирор маротаба салом берганмизми ёки серқатнов кўчада тўп тепаётган болаларни тартибга чақирганмизми? Фарзанди нечанчи синфда ўқиётганини билмаган оталар билан суҳбатлашиб ёқа ушлаганмисиз? Балки бу "Кичик каттага салом берсин", деган шўронинг тескари мафкураси мевасидир. Ёки Акрамбой ота, Мулла Охун бобо, Йўлдошбой оталар ўзлари билан эзгу хислатларини ҳам тупроққа олиб кетишдимикан?

БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

Матбуот, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар кузатиб борилса, бола тарбиясида мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорлиги тўғрисида кўп гапирилишини кузатамиз. Мазмуни бир қолипда, мазкур ҳамкорликнинг ижобий томонлари, ютуқлари бўрттириб кўрсатиладию, муаммолар четлаб ўтилади. Аслидачи? Бола тарбиясида "Етти маҳалла" қандай ҳамкорлик қилаяпти? Шаҳар мактабларидаги аҳволдан бехабармизу, кўплаб қишлоқ мактабларида қуйидагиларга ўхшаш вазиятларга дуч келамиз.

Мактаб:

— Бир кеча-кундуз йигирма тўрт соат бўлса, бола шундан олти, етти соатини мактабда ўтказади. Биз шу вақт оралиғида қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Қолган пайтда бола ота-онаси бағрида бўлади.

Маҳалла фуқаролар йиғини:

— Муаллимларга тўзим берсин. Оилада 3-4 та бола вақти келса тўполон қилавериб, жонингни бўғзингга келтиради. Биз мактабдан ҳар қандай ёрдамимизни аямаймиз. Астойдил бўлиб ишлайверинглар.

Ота-она:

Фарзандимиз одам бўлсин деб мактабга жўнатамиз. Ахир муаллимлар болаларни ўқитиб-ўргатиб, тарбияламаса нима қилиб юрибди, давлатнинг маошини олиб.

Мактаб ота-оналар қўмитаси:

Ҳар замонда бир йиғилиш чақирамизу, унда фақат аълочи ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этади. Бўш ўзлаштирувчилар ва тартиббузарлар ота-оналарини чақириб ўзларинг гаплашиб қўярсизлар.

Кўчада турган бекорчилар:

— Ҳозирги ёшларга билмадим, мактабда нимани ўргатишар экан. Уларда на салом бор, на алик. Анави катталарининг қўлида сумкаям йўқ. Уларнинг кийган кийимини муаллимлариям топиб кия олмайди. (Болалар орасида бекорчининг ҳам ўғли бор.) Булар катта бўлса, қандай одам бўлар экан-а?

Бизнингча, мазкур мулоҳазаларни таҳлил қилишга эҳтиёж йўқ, чунки зукко муштарийлар шуни сезиб олдиларки, бола тарбиясидек ҳаёт-мамот иши сансалорлик ҳолатига тушиб қолган. Жамиятимиз келажагини белгилаб берувчи масъулиятли ишни ҳеч ким бўйнига олгиси йўқ. Энди амалдаги қонунчилигимизда бола тарбиясига қандай ёндошилганлигини кўриб чиқиб, кейин муаммолар ечимини қидирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан:

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...(64-модда)

"Таълим тўғрисида"ги қонундан:

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар. (30-модда)

Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг намунавий уставидан:

2.1. Мактабнинг асосий мақсади ўқувчиларни давлат таълими стандартларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олишига доир конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришдан иборатдир (II боб).

7.4. Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг давлат таълим стандартлари доирасида таълим-тарбия олишлари учун амалдаги қонунларга биноан, мактаб билан баробар масъулдирлар (VII боб).

Ота-оналар қўмитаси тўғрисидаги Низом:

— (Ота-оналар қўмитаси) мактабда у ёки бу фанни чуқурлаштирилган дастур асосида ўргатиш масаласида, ўқув режаларининг бажарилиши, давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълимнинг ташкил этилишига тўсиқ бўлаётган масалаларни ҳал этишда мактаб раҳбариятига таклифлар беради (III боб, 3-модда).

Қонун ва қўлланмалардан олинган юқоридаги парчалардан кўриниб турибдики, таълим-тарбия ишига давлатимиз устивор йўналиш деб қарайди. Лекин муаммо қаерда, унинг ечими борми? Муаммо шундан иборатки, биринчидан, қонун-кўрсатмаларни ота-оналар ва жамоатчиликка етказиб бериш механизми ишлаб чиқилмаган. Уларни халққа етказишда ҳеч қандай ташкилотга жавобгарлик ҳисси юклатилмаган. Ахир, юқорида таъкидланганидек, фарзанди нечанчи синфда ўқиётганини билмаган ота ҳукумат чиқарган қонун ва кўрсатмаларни қаердан билсин!? Иккинчидан, айрим муаллимларимиз борки, уларнинг ўзида ҳам ўз фаолиятига жавобгарлик ҳисси уйғонмаган, айниқса, бундайларнинг ёш кадрлар орасида кўпчиликни ташкил этиши ачинарли ҳолдир.

Тўртинчидан, тажрибали ўқитувчилар ёшлар билан яхши боғланмаймиз, иззатталаб бўлиб қолганмиз, ёшлардан бирор нарсалар сўрашларини кутиб турамиз, ёшлар эса катталар оғзини пойлайди. Бешинчидан, синф раҳбарлари ота-оналар билан яхши боғланмайди, ўтказилган суҳбатлар юзаки. Даъвогар суст бўлса, қозидан инсоф кетар — ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига бепарволиги, зиммаларидаги масъулиятни тўла англаб етмасликлари мактабдаги таълим-тарбия ишига сезиларли путур етказмоқда.

БОЛАНГИЗ НЕЧАНЧИ СИНФДА ЎҚИЙДИ, БИЛАСИЗМИ?..

Tarbiya

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН БИР ШИНГИЛ ЁКИ МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Буюк Британия дунёда ривожланган мамлакатлар сирасига киради. Мамлакатда давлат ва хусусий мактаблар фаолият кўрсатади. Тўқсон фоиздан ортиқ ўқувчилар давлат мактабларида, қолган ўн фоизга яқини хусусий мактабларда таълим оладилар. Мактаблар тўрт босқичли бўлиб, ҳар бир босқичда ўқувчилар тегишли имтиҳондан ўтадилар. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун оила — мактаб мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ҳар ўқув йили бошида "Оила — мактаб битими" тузилади. Битимда ҳар икки томоннинг мажбуриятлари қайд этилади. Таълим стандартларининг бажарилиши, мактаб тартиб-қоидаларига сўзсиз риоя этиш, дарсларга мунтазам ва вақтида қатнашиш, интизом, уй вазифаларининг бажарилиши ва бошқа ахборотлар битимда ўз аксини топади. Шунингдек, бутун ўқув йили давомида мактаб ота-оналарга қуйидаги ахборотларни етказиб туради:

1) фарзандининг йиллик ўзлаштириш даражаси — дастурнинг бажарилиши кўрсаткичлари, имтиҳон натижалари ҳамда мактабда эришилган ютуқлар;

2) мактабнинг назорат қилиш натижалари;

3) мактабнинг келажак режалари (янги келган ўқувчиларнинг ота-оналари учун);

4) мактаб маъмуларининг йиллик ҳисоботи. Ҳисобот беришдан кўзда тутилган мақсад мактаблар масъулиятини ошириш, ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини рағбатлантиришдан иборатдир. Яна бир ибратли жиҳат — фарзандлари имтиҳон топшираётган ота-оналардан бири бевосита имтиҳонда қатнашиб, фарзандларининг билим ва кўникмаларидан хабардор бўлиши шарт.

Биз, бу мулоҳазаларимиз билан хориж тажрибасига кўр-кўрона ёндошиш зарур, деган фикрдан йироқмиз. Лекин хорижий касбдошларимиз тажрибаларига ижодий ёндошиб, ишимизни қайта кўриб чиқсак, фойдадан холи бўлмайди, деган фикрдамиз.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

Maktabgacha ta'lim

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Абдулла Набиев номидаги маҳалла пойтахтимизнинг тарихий кўчалари: Сағбон ва Қорасарой ҳамда Қичқириқ канали билан чегараланган.

Шинамгина маҳалланинг ардоғида эса иккита зиё маскани бор: бири 185-мактаб бўлса, иккинчиси 194-болалар боғчасидир.

Бугун биз маҳаллада ташкил этилган яна бир мактаб ҳақида сўз юритмоқчимиз. У ҳам бўлса — боғча мудираси Маҳтума опа Ғаниева ташаббуси билан барпо этилган "Ёш оналар мактаби"дир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури II босқич вазифаларини амалга ошириш даврида боғча жамоаси "Ёш оналар мактаби" орқали болаларни оилада тарбиялашнинг ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатларини таъминлаш мақсадини кўзлаган эди.

Маълумки, таълимдаги ислоҳотлар мактабгача таълимнинг устивор вазифаси — болаларни мактабга пухта тайёрлашдан иборатдир. Айниқса, Давлат талабларининг жорий этилиши — болаларнинг боғчага қатнаган ёки қатнамаганлигидан қатъи назар, уларнинг мактаб остонасига бир хилда тайёргарлик кўриб келишларини кафолатлаш ва таъминлашни тақозо этди.

Табиийки, боғчага қатнаган бола "Учинчи минг йиллик боласи" таянч дастури асосида мактабга тайёр бўлиб чиқади. Оиладаги болалар билан ишлашда эса аввало оналарнинг ўзларини ушбу дастур билан ўқитиш эҳтиёжи юзага келди. Шундай бўлгач, боғча педагоглари вақтни бой бермасдан зарурий тайёргарлик тадбирларини кўришга киришдилар.

Дастлаб, оилада таълим олаётган болалар бўйича ҳолат ўрганилди. Маҳалланинг 335 хонадонида 667 нафар мактабгача ёшдаги болалар бўлиб, уларнинг 150 нафари айнан маҳалла боғчасига қамраб олинганлиги аниқланди. 5-6 ёшли болалар сони эса 50 нафардан ортиб кетди. Демак, мактабнинг 1-синфига деярли барча бола махсус тайёргарлик кўриб келишини таъминлаш зарурати қайд этилди.

Маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Х.Тўрахонова билан биргаликда ёш оналар билан учрашувлар ўтказилди, давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларнинг бола тарбияси ҳақидаги билим ва тушунчалари аниқланди. Оналарнинг болаларни тарбиялашда, уларни мактабга тайёрлашда қизиқтирган саволлари, муаммолари ўрганилди.

Ота-оналар ўртасида ўтказилган саволнома натижалари:

"Оилада нечта фарзанд тарбияланмоқда?" — деган саволга 67 фоиз иштирокчилар "3-4"та, 75 % — "2 та", 18 % "1та" деб жавоб беришди.

— "Оилада неча авлод вакиллари бирга яшайди?" — 95 % — 3 авлод, 7 % — 4 авлод бўлиб яшашларини билдиришди.

— "Бола тарбиясида асосан кимнинг таъсири кучли?" — деганда, аксарият иштирокчилар ота тарбияси беқиёс эканлигини эътироф этишди.

— "Бола тарбиясида қандай қийинчиликларга дуч келасиз?" — деган саволга барча ота-оналар бирдек болани мактабга тайёрлашда мавжуд қийинчиликларни кўрсатишди.

Сўнгра ота-оналардан қуйидаги саволларга жавоблар олинди:

— фарзандингиз ўз исмини бурро талаффуз эта оладими?

— яшаш жойини, телефонларни эслаб қолганми?

— болангиз бевосита сўзлар ёрдамида, имо-ишораларсиз ўз хоҳиш-истакларини тушунтириб бера оладими?

— унга сиз ўқиб бераётган бадиий матн (эртак, ҳикоя, шеър) мазмуни, маъносини қўшимча изоҳларсиз, биринчи уқишда тушуна оладими?

— рўй берган воқеалар, эртаклар мазмунини акс эттириб расм чиза оладими?

— айтганларингизни, уй юмушларига таалуқли топшириқларингизни ўз вақтида талаб даражасида бажарадими?

Ҳар иккала сўровнома натижалари ва тўпланган маълумотлар умумлаштирилди. Ва "Ёш оналар мактаби"нинг иш тартиби, режалари, маърузалар ҳамда кўргазмалар, амалий — услубий қўлланмалар ҳозирланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 1998 йилда "Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" Концепцияси жорий этилган эди. Унга биноан:

"Ёш оналар билан ишлаш — ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга етук мутахассисларни жалб қилиш" деб таъкидланган эди.

Боланинг мактабгача бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида ёш оналарга асосий тушунчаларни бериш, кичкинтойларни расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўз-ўзига хизмат қилиш, турли халқ ва спорт ўйинларида онгли равишда иштирок этиш, мустақил билим олишга интилишларини шакллантириш, зарурий ўқув малака-кўникмаларини ҳосил қилиш услубларини ҳам назарий, ҳам амалий намойиш қилиш йўли билан ўргатиш "Ёш оналар мактаби" кун тартибига киритилган.

Мутахассисларнинг фикрича, кун давомида она ва бола ўртасидаги бевосита мулоқот жами 15 дақиқага етар экан. "Ёш оналар мактабида" эса бундай танқисчиликнинг ўрнини босувчи "Алла моҳияти" ҳақида батафсил гапириб берилди. Алла намуналари ижро этилди ва энг сара алла матнлари оналарга тарқатилди.

Тарбиячилар "Ёш оналар мактаби" машғулотларига тайёргарлик кўришда, аввало, халқимизнинг тарбия борасидаги энг илғор ва ижобий жиҳатларини ўрганишади ва оила, маҳалла, мактаб шароитида ҳаётга татбиқ этиш лозим бўлган ҳикматлар ва ўгитлардан, замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланишади.

"Оилада фарзанд туғилди. У оиланинг турмуш тарзи, ота-оналарининг касб-кори, яшаш шароити воситасида инсон сифатида шакллана бошлайди. Маҳаллада у халқимиз миллий қадриятлари, анъана ва удумлари билан танишиб боради. Боғчада унинг билимлари таркиб топади, дунёқараши шакллана-ди. Демак, оила — маҳалла ва боғча бир-бири билан узвий боғлиқ тарбия ўчоғи бўлиб, ота-оналар, маҳалла аҳли ва ўқитувчилар болалар таълим-тарбиясига бирдек масъул эканликларини унутмасликлари лозим" дейди суҳбатда М.Ғаниева.

Бу борада муваффақиятга эришиш имкониятларидан бири, албатта, ота-оналар учун оммабоп шаклда ишлаб чиқилган ўқувлардир. Ушбу ўқувлар воситасида оила-боғча — мактабда амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёнининг узвийлигини таъминлаш зарур.

"Ёш оналар мактаби" халқимизнинг тарбияшунослиги борасидаги минг йиллик тажрибасини сақлаб қолган ҳолда айнан шундай узвийликни тарғиб этмоқда.

Албатта, ёш оналарни бола тарбияси билан боғлиқ барча масалалар қизиқтиради. Қуйида машғулот жараёнида маърузачиларга тушган саволлардан ва уларга жавоблардан намуналар келтирилмоқда:

— Бола мактабга чиқишда нечта сўз билиши керак?

—4 мингдан ортиқ сўз бойлигига эга бўлиши керак. Унинг нутқи от, феъл, олмош, сифат, сон ва боғловчилардан ташкил топади.

—Ёзиш ва ўқишга ўргатмоқчимиз. Қачон бошлаганимиз маъқул?

— 6 ёшли болани ёзиш ва ўқишга ўргатиш шарт эмас. Бунинг учун мактаб дастурида етарли вақт ажратилган. Аммо, кичкинтойнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, унинг тафаккурини шакллантириш, қўл мушакларини ривожлантириш зарур.

— Болаларнинг телевизор кўришлари хусусида оилада фикрларимиз қарама-қарши бўлиб чиқмоқда. Аксарият ҳолларда эса биз катталар ўртасида низолар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчимиз.

— Телевидение дастурига эътибор берган бўлсангиз, уларда алоҳида болалар учун мўлжалланган кўрсатувлар бирлаштирилиб, "Болалар сайёраси" номи билан эфирга узатилмоқда. Уларнинг вақти 20-25 дақиқадан ошмайди. Ушбу вақт кичкинтойлар учун энг маъқул деб тан олинган. Болаларнинг телевизор ёнида соатлаб қолиб кетишига йўл қўйманг. Айниқса, бу жангари филмлар бўлса, ота-онадан қатъиятлик талаб этилади.

— Ўғил ва қиз бола, яъни ака ва сингилларнинг қачонгача ётоғи бир бўлиши мумкин?

— 7-8 ёшларигача, кейинчалик уларга алоҳида ҳоналар жиҳозлаб бериш лозим.

Давлатимизнинг ёшлар тарбиясига, келажагимиз бўлган фарзандларимиз тарбиясига бераётган эътиборидан келиб чиқиб, боғча жамоаси оила-маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини қуйидаги шаклда тасаввур қилади: бирламчи оила, оила эса маҳалла таркибида бўлиб, унинг ҳудудидаги боғча ва мактаб ҳам ягона бир мақсадга йўналтирилган катта оила деб тушунилади.

С.АБДУЛЛАЕВА

Бу йил ҳам ҳар бир спортчи учун энг жиддий синовлар мавсуми бўлиши тайин. Чунки Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мусобақаларнинг аксарияти ҳали олдинда.

Лекин айрим муттасаддиларнинг ўз вазифаларига виждонан ёндошмаганлари кишини ўйга толдиради. Бошқа, келажак учун бугун қайғуриш лозим.

СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ МАМЛАКАТИ

Ёки Ўзбекистонда 2002 йилда 248 та республика миқёсидаги мусобақалар бўлиб ўтди

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт мутасаддилари, федерациялар вакиллари билан журналистлар ўртасида 2002 йил якунларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда қўмита раиси Комил Юсупов томонидан билдирилган бир маълумот эътиборга молик: 2002 йилда Ўзбекистонда 248 та республика миқёсидаги спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилган. Бу ҳар уч кунда иккита ана шундай нуфузли мусобақа дегани.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ишқида ёниб яшаётган юрт учун бу ярашиқли ҳам.

Бундай мусобақалар самараси ўлароқ, юртдошларимиз халқаро доирада, жаҳон спорт мусобақаларида ҳам ўзига хос натижаларни қўлга киритди. Ўзбекистон спортчилари 2002 йилда 158 та халқаро мусобақада қатнашиб, 241 та олтин, 219 та кумуш ва 241 та бронза (жами-701 та) медалга сазовор бўлди. Биргина Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимизнинг қирқдан зиёд мамлакат ичида бешинчи ўринни эгаллаши, футбол бўйича ёшлар терма жамоамизнинг Қатарда кечган Осиё чемпионатида ишончли ўйин кўрсатиб, ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очиши — Жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланма олиши мамлакатимиз спортида янги босқич бошланганидан дарак.

Бу йил ҳам ҳар бир спортчи учун энг жиддий синовлар мавсуми бўлиши тайин. Чунки Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мусобақаларнинг аксарияти ҳали олдинда.

G'urur

Шу ўринда бир мулоҳаза. Айни вақтда Россия пойтахти Москвада футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Ушбу анъанавий турнирда Ўзбекистон шарафини 2002 йилдаги мамлакат чемпиони — Тошкентнинг "Пахтакор" клуби ҳимоя қилаяпти. "Пахтакор" "С" гуруҳида "Шахтёр" (Украина), "Каунас" (Литва) ва Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан кураш олиб бормоқда. Нафақат мухлислар, балки мутахассисларни ҳам лол қолдириб, юртдошларимиз украиналиклар устидан 2:0 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритишини тасодиф дейиш қийин. Ёки Германиянинг Эссен шаҳрида WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ўзбекнинг пўлат иродали, темир муштли профессионал боксчиси Артур Григорьян (Германияда уни "Қирол" дейишади) ўз камарини ўн еттинчи бор қандай машаққат билан ҳимоя қилгани, Австралиянинг Мельбурн шаҳрида профессионал боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Қувончбек Тойғонбоевларнинг ҳам навбатдаги ғалабалари замирида нимадир бордек. Менимча, бу — ҒУРУР. МИЛЛИЙ ҒУРУР. Зеро, ўтган йиллар давомида спортчиларимиз халқаро мусобақаларда қатнашишининг ўзини катта муваффақият, дея ҳисоблаган бўлсалар, эндиликда чет элларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш, ғолиб сифатида ўз ватанига, маҳалласига, оиласига қайтишгина уларни қониқтириши мумкин. Халқаро майдонларда спортчининг рақиби кўп ҳолларда ўзидаги ҒУРУР ҳисобига муваффақият қозониши энди спортчиларимизга СИР эмас.

Истагимиз, Ўзбекистон байроғи остида майдонга тушган ҳар бир спортчи қалбида миллатимизга, халқимизга хос бўлган ҒУРУР ғалаён кўтаргани рост бўлсин. Спорт мусобақалари мамлакати жаҳон мусобақалари медалларининг манзилига айлансин.

Фахриддин КАРИМОВ

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ...

Болалар доимо катталар ўйламаган, хаёлларига келтирмаган фикрларни айтиб уларни лол қолдиради. Улар айтган нарсаларни эътибор билан эшитиб, чуқур фикрласак, болалар ўзларини ўраб турган дунёни ўзгартириб юборишга қодирлар. Фақатгина уларни доимо эшитиш, нимани айтмоқчи бўлаётганлигини англаш зарур. Кўп ҳолларда катталар, ота-оналар турмуш ташвишларию оила бюджетини яхшилаш мақсадида елиб-югуриб болаларининг келажаги учун меҳнат қиладилару лекин уларни тинглашга, айтган гапларини ўйлаб кўришга вақтлари бўлмайди. Улар иштирокида тегишли масалаларни ҳал қилиш, оиладаги, мактаб, боғчадаги, умуман жамоатчиликда рўй бераётган муаммоларини ечиш лозим. Шундагина уларнинг катталарга бўлган ишончи, ҳаваси йўқолмайди.

Куни кеча ЮНИСЕФ ташкилотининг "Дунёда болаларнинг аҳволи, 2003 йил" номли маърузасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маърузанинг мазмуни 2002 йил май ойида Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган БМТ бош Ассамблеясининг болалар аҳволи бўйича махсус сессиясида кўрилган масалаларга қаратилди. Мазкур сессияда дунё болаларининг вакиллари иштирок этишиб, атрофдаги урушлар, улар натижасида ҳалок бўлаётган болалар, ногирон, заиф туғилаётган гўдаклар, болаларнинг эксплутация қилиниши, ўлдирилиши каби ўзлари гувоҳи бўлаётган, уларни қийнаётган муаммолар тўғрисида фикр алмашиб, тенгдошлари билан танишиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.



Самимий руҳда ўтказилган мазкур анжумандан сўнг "Дунёда болаларнинг аҳволи, 2003 йил" маърузанинг лойиҳаларини тузиш ишлари бошлаб юборилди ва маърузанинг тақдимот маросимида болаларнинг ўзлари иштирок этишди. Мазкур тадбирни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Она ва бола" мажмуаси котибияти раҳбари Т. Норбоева олиб борди ва унда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили Брендо С. Виго хоним иштирок этди. Суҳбат тарзида кечган тадбирда Болалар парламенти, Демирис болалар клуби, ЮНЕСКО клуби, МИМ студияси аъзолари қатнашдилар. Республика бош педиатри Д. Аҳмедова Ўзбекистонда болаларнинг соғлигини, оналар ва болалар ўлими ҳолатларини схемалаштирилган лавҳаларда кўрсатиб берди. Шундан сўнг "Дунёда болаларнинг аҳволи, 2003 йил — болалар иштироки" номли ҳужжатли фильми намойиш қилинди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Республика умумтаълим мактабларининг "УМИД НИҲОЛЛАРИ" спорт мусобақаси учинчи босқич ўйинлари ҳам ўз ниҳоясига етди.



УРУШДА ЯНГИ ҚУРОЛ ИШЛАТИЛАДИ

Ироққа нисбатан эҳтимолли бўлган урушда АҚШ қўшинлари ўта кучли электрон қурол (HPMW) дан фойдаланишлари мумкин. "TIMES" газетасининг ёзишича, ушбу янги қурол Саддам Ҳусайннинг биологик ва кимёвий қуролларини йўқ қилишда ишлатилади. Яъни, электрон қурол оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш, етказиб бериш, қўриқлаш ва сақлаш жараёнида фойдаланиладиган компьютер тизимини ишдан чиқариш имкониятига эга. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишлай оладиган мазкур қурол ҳақида Пентагон ташкилоти ҳозирча бошқа маълумот бермаган.

400 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ГЕРОИН УШЛАНДИ

Москва шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг маълум қилишича, 2 нафар Тожикистон фуқароси бошқариб кетаётган ВАЗ-21099 русумли машина тўхтатиб текширилганда, машина юкхонасидан 41,2 грамм героин топилган. Сўнгги бир неча йилларда бундай катта миқдордаги гиёҳванд моддасини ушлаб қолиш кузатилмаган бўлиб, унинг қора бозордаги нархи 400 минг АҚШ долларига тенг. Москва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг билдиришича, бундай жиноятнинг фош этилиши тожик наркомафиясида катта йўқотиш демакдир.

УНИВЕРСИТЕТДА "КЛИНТОНШУНОСЛИК" КУРСИ

АҚШнинг Арканзас университетида "Клинтоншунослик" ўқув курси очилди. Мазкур олийгоҳнинг политология фанлари бўйича профессори Маргарет Скрэнтон томонидан ишлаб чиқарилган бу ғояга мувофиқ, янги ўқув курси фақат битирувчи талабаларга ўтилади. Унда асосан Билл Клинтоннинг Оқ уй раҳбарлиги лавозимига келиши ва унинг президентлик даврида Вашингтоннинг халқаро алоқалари, иқтисодиёт соҳасида эришган кўрсаткичлари ва бошқа соҳалардаги ютуқлари ҳақида маълумотлар берилади. Университетда бундай янги ўқув курсининг жорий этилишига Билл Клинтоннинг Арканзас штатида туғилганлиги сабаб бўлди. У 1992-2000 йилларда АҚШ президенти сифатида иш олиб борган.

РЭМБОНИНГ УСТОЗИ ВАФОТ ЭТДИ

Рэмбо фильми билан киномухлислар ўртасида шуҳрат қозонган Сильвестр Сталлонега касбий фаолиятида устозлик қилган Голливуд актёри Ричард Кренна 76 ёшида рак хасталиги сабабли ҳаётдан кўз юмди.

"У ҳамма билан дўст тутинган, энг талантли актёрлардан бири эди", дея хотирлади Сталлоне. 1927 йил Лос-Анжелосда туғилган Кренна Жанубий Калифорния университетида миллий театр санъати йўналиши бўйича таҳсил олган. Унинг кино оламидаги карьерасининг кескин кўтарилиши 1980 йилларга тўғри келган.

КАТТА АВТОҲАЛОКАТЛАР

Боливияда юз берган автоҳалокат туфайли 28 киши ҳалок бўлди. Оруро — Кочабамба трассасида ҳаракатланаётган автобус Ла-Пас шаҳридан 380 км. жанубий-шаркда тоғ ён бағрига бориб урилиши боис, иккига бўлиниб кетган. Полициянинг фикрича, фожеага кучли ёмғир сабаб бўлган.

Бразилиянинг Сеара штатида эса икки йўловчи автобуснинг бир-бирларига тўқнашиб кетишлари оқибатида 21 киши ҳалок бўлди. Катта тезликда кетаётган автобуслардаги йўловчиларнинг 18 нафари ҳалокат юз берган вақтнинг ўзида ҳаётдан кўз юмганлар. Қолган 2 нафари эса шифохонада вафот этганлар.

МАСХАДОВ ЖАНГАРИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРМОҚДА

Шимолий Кавказдаги Бирлашган қўшинлар матбуот хизматининг билдиришича, жангарилар раҳбари Аслан Масхадов ўз назоратида бўлган гуруҳларга Чеченистон бўйлаб портлаш, тарғибот ишларини фаоллаштиришга буйруқ берган. Бусиз ҳам ёш авлодни мазкур жиноий тўдаларга жалб этиш Надтереч, Ачха-Мартан, Урус-Мартан каби туманларда авж олганлиги кузатилган. Бундан ташқари, Масхадов Ножай-Юртов, Курчалой туманларида террор актларини амалга ошириш учун ўзининг тегишли одамларига алоҳида маблағ ажратган.

Аммо, федерал кучлар хизматчилари ўтган ҳафта якунида 5 та портлатиш амалиётларининг олдини олганлар ва бир неча қурол омборларини фош этганлар.

"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.

Бутунжаҳон почта Иттифоқининг ташаббуси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғига асосан, 2003 йил январь-март ойларида республикамиз ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида хат кўринишидаги иншо танлови ўтказилади. Танловда, таълим олиши қайси тилда бўлишидан қатъий назар, 15 ёшдан катта бўлмаган (2003 йил 1 сентябрь ҳолатига) ёшлар ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларидан бирида ёзилган иншолари билан қатнашишлари мумкин. Танловга юборилган иншолар илгари чоп этилмаган, ҳажми 500 дан 1000 тагача сўзга эга бўлган, 2003 йил 10 мартгача юборилиши керак (юбориш санасини аниқлашда почта алоқа бўлимининг календарь штемпели асос бўлади).

Иншо мавзуси "Биз қандай қилиб яхшироқ келажакни қуришимиз мумкинлиги ҳақида Сенга ёзаман".

Танловда қатнашадиган иншолар белгиланган тартибда стандарт конвертларда ҳудудий почта алоқа ташкилотлари бошқарувида тузилган махсус ишчи гуруҳига юборилади.

Республика танловининг ғолибларига қуйидаги рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис қилинган: биринчи ўрин учун — 50 минг сўм, иккинчи ўрин учун — 30 минг сўм, учинчи ўрин учун — 20 минг сўм ҳамда почта маркалари альбоми. Танловнинг бошқа қатнашчилари махсус мукофотлар билан тақдирланадилар.

Мукофотларни топшириш маросими Бутунжаҳон почта Иттифоқи ташкил этилган кун — 2003 йил 9 октябрда бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни почта алоқа бўлимлари ва халқ таълими бўлимларидан олишингиз мумкин.

Почта хизматларидан фойдаланинг!

"Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси

"Бошланғич таълим" журнали жамоаси журналнинг бўлим мудири Матлуба Шукуровага отаси

Абдуҳошим ШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази жамоаси Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани ташхис Маркази раҳбари Мактуба Ғофуровага онаси

МЕҲРИХОН аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ҳазорасп тумани халқ таълими бўлими, туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоалари тумандаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси

Аноржон ИСОҚОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан, унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Boshqa baliqlar uning atrofida aylanibdi. Shunday qilib, Jayhun va uning do'stlari ko'm-ko'k dengizda tinch-totuv yashayotgan ekanlar.

Улар ҳомиладор аёлларнинг тиш милклари касалланган бўлса, бу болага ҳам ўтишини тажрибада кўп марта синаб кўришганини маълум қилдилар.

ПАРОДИЯЛАР

Сени кўргим келар, жоним, қайдасан,
Сени ахтараман телефонларда.
Биламан, сен кўлим етмас ойдасан,
Кўрингинг келмайди биз томонларда.
"Сени кўргим келар": Муҳаммад Исмоил.

Сени ҳозир жуда келмокда кўргим,
"Сотка"мда телефон қилдим юз жойга.
Қаерда яшриниб юрибсан бунча?
Нега кўринмайсан, ниҳонсан қайга?
Биринчидан, сенга нимам ёқмайди?
Қай битта одатим келмас сенга мос?
Айтсанг тузатаман, уни шу заҳот,
Тортинмай айтавер, жоним илтимос.
Очиғи менга зор деб ҳам ўйлама,
Шунчаки бир ёқиб қолдинг-да дилга.
Жуда баланд олма лек эркам ўзинг,
Теграмда ёққувчи кўпдир кўнгилга.
Мен сенга оддий бир фуқаро эмас,
Биласан шоирман, ишим "ТВ"да.
Менга ҳам кеб таъзим қилгувчилар бор,
Мени кўзиқорин санама жуда.
Билиб қўй, барибир сени топаман,
Менга писанд эмас, ҳар қандай ирим.
Космосга чиқсангда олиб қайтади,
Суратингни бориб операторим.

* * *

Қаригина отамни паноҳингда асрагин,
Ёлғизгина онамни паноҳингда асрагин.
Мунисгина опамни паноҳингда асрагин,
Кўнглимдаги ноламни асра энди, худойим.
"Асрагин". Сайёра Тўйчиева.

Яккагина боламни паноҳингда асрагин,
Мушфиққина холамни паноҳингда асрагин.
Асрагин паноҳингда учтагина тоғамни,
Ҳамда менинг ғамхўрим бўлган бешта оғамни.
Паноҳингда асрагин мехрибоним — эримни,
Анов киноячидан эса ёзган шеъримни.

* * *

Ўзим учун яшашим керак,
Болам, болам, деганим етар.
Тун бошлайди бир ширин эртак,
Тун боламни эслатиб кетар.
"Ўзим учун". Малика Мирзаева.

Ўзим учун яшайман энди,
Яшаганим ўзга-чун етар.
Ёлғон эмас, баъзан ўз боланг,
Яхшилигинг билмасдан кетар.
Қарор қилдим бугун қатъий,
Яшагайман эрим учун.
Ҳамда ўзим учун бироз
Ва ёзажак шеърим учун.

***

Оёғингиз юриб тургани учун,
Юрагингиз уриб тургани учун,
Кўзларингиз кўриб тургани учун,
Худога минг марта шукурлар қилинг.
"Шукур қилинг". Сайёра ТЎЙЧИЕВА.

Қулоғингиз эшитгани-чун,
Ишлаб тургани-чун ўпкангиз.
Сайраб тургани-чун тилингиз,
Худога минг шукур қилинг сиз.

Тўй қилган-чун қозонлар осиб,
Ҳар кун бисёр ашъорлар ёзиб,
Газеталар турган-чун босиб,
Худога минг шукур қилинг сиз.

* **

Бахтсизликдан хўрланган менман,
Остонангда бўлолмадим ит!..
"Қишлоғингда".
Сендан фақат кенглик кутаман,
Итлигингни қилмасанг бўлди.
"Итсан".
Қопмадию ҳуркитди,
Тақдир — итдай сергагим.
"Минг йил олдин"
Кўнгил экан — тенгим билмай ошиқ бўлдим,
Мажнун чўлда итга айтган қўшиқ бўлдим.
"Бир муҳаббат тарихи"
Ит ҳам қолади бесас,
Учратса гар бўрини.
"Кўҳна ҳикоят" Бобур БОБОМУРОД
"Эсиз одам" китобидан

Шоир итлар ҳақида,
Тинмасдан шеър тўқийди.
Лекин, ёзганин итмас,
Ахир, одам ўқийди.

Ўткир САИДОВ



Изоҳнинг хожати йўқ.

А. ҲАКИМОВ чизган.

КУН ГИРОҲИ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

JAYHUN BALIQ VA UNING DO'STLARI

Katta ko'm-ko'k dengizda Jayhun baliq yashar ekan. U juda bahaybat bo'lib, ko'zlari xuddi kosadek, qanotlari esa naq bir qayiqdek, dumi uzun, bir silkitsa suvda to'lqin paydo bo'lar ekan. Shuning uchun boshqa baliqlar undan qo'rqib chet-chetda suzib yurishar ekan.

Jayhun bir o'zi suzaverib-suzaverib juda zerikibdi va:

"Qani mening ham do'stlarim bo'lsaydi, birga suzib, birga sayr qilardim", debdi. Bu gaplarni yaqinroqda suzib yurgan zog'ora baliq eshitib qolibdi. U tezda boshqa baliqlarga bu gaplarni aytibdi. Shunda hamma baliqlar to'planishibdi. Laqqa baliq zog'ora baliqqa:

— Sen yaxshi xabar keltirding. Jayhun bizga bosh bo'lsin, biz u bilan do'stlashishga tayyormiz, — debdi. Shunda cho'rton baliq shunday debdi:

— Do'stlar, bugun bu dengizda yaxshi kun bo'ladi. Jayhun eng katta baliq, u biz bilan do'stlashar ekan, endi biz hech xavf-xatarsiz yashaymiz.

Tanga baliq ham do'stlari gapini ma'qullabdi.

Darhaqiqat, bu dengizda ilon baliq, zog'ara baliq va katta-katta toshbaqalar ham yasharkan-da. Ular mayda baliqlarni bir yamlab yutib yuborar ekanlar. Agar Jayhun ularga bosh bo'lsa, hamma baliqlar tinch-totuv yashashlarini baliqlar yaxshi bilishar ekan. Shunday qilib hamma baliqlar to'planib, Jayhun baliq oldiga kelishibdi. Jayhun ularni ko'rib sevinib ketibdi. Dengizda yoqimli kuy yangrabdi. Dengiz chig'anoqlari sevingandan yoqimli ovoz chiqaribdilar. Shodlik kuyini eshitgan uzoq-uzoqlarda suzib yurgan baliqlar ham kelishibdi. Ular o'yinga tushishibdi Jayhun ham do'stlarini cho'chitmay ohista raqsga tushibdi. Boshqa baliqlar uning atrofida aylanibdi. Shunday qilib, Jayhun va uning do'stlari ko'm-ko'k dengizda tinch-totuv yashayotgan ekanlar.

QAYSAR MUSHUKCHA

Katta, qalin o'rmon chetida Suluvxon degan gizcha Momiq degan mushugi bilan sayr qilar ekan. Bir kuni havo aynibdi, shamol turibdi. Suluvxon mushugiga:

— Bugun sen uyda qol, men o'rmondan qo'ziqorin terib kelaman — debdi. Shunda mushugi:

— Opajonim, mehribonim, meni ham olib boring, bir o'zim zerikaman, — debdi.

— Qaysarlik qilma, havo aynigan, yomg'ir yog'ib qolsa ho'l bo'lib ketasan, — debdi va qizcha eshikni yopib, o'rmonda ketibdi. Momiq bo'lsa derazani ochibdi-da, "lip" etib sakrab, o'rmon tomonga yuguribdi. Qattiq shamol turibdi, momaqaldiroq gumburlabdi, chaqmoq chaqib, yomg'ir yog'ibdi. Momiq nima qilarini bilmay, bir daraxt tagida turibdi. Oppoq, momiq yunglari jiqqa ho'l bo'libdi. Sovuq shamoldan junjikib, titray boshlabdi va:

— Suluv opa, opajon, meni olib keting, qo'rqayapman, sovuqdan titrayapman, debdi. Lekin uning ovozi shunchalik sekin chiqibdiki, momaqaldiroqning gumburlashida o'rmon ichidan hech eshitilmabdi. Endi Suluvxon haqida eshiting:

Qizcha hali qo'ziqorin terib ulgurmagan edi, yomg'ir yog'ib qoldi. U tez uyga yetib kelib:

— Momiqvoy, qaydasan, yaxshiyam o'rmonga bormading, ho'l bo'lib ketarding — desa mushukning ovozi chiqmabdi. Qarasa deraza ochilib qolibdi.

— Voy qaysarey, baribir ketibdi-da, — deb xafa bo'libdi. O'rmonga boray desa, qattiq yomg'ir bo'libdi. U xafa bo'lib Momiqning kelishini kutibdi.

Endi Momiqning ahvolini eshiting. Mushuk yig'lab, u tomonga, bu tomonga yuguribdi, lekin uyini topa olmabdi. Ko'p o'tmay yomg'ir tinibdi. Bulutlar orasidan quyosh ko'rinibdi. Shunda zag'izg'on Momiqning ahvolini ko'rib:

— Yur, men seni uyingga olib boraman, — debdi: Mushuk zag'izg'on uchgan tomonga yura boshlabdi. Qarasa uyini ko'rib qolibdi. Chopqillab hovliga kiribdi. Deraza oldida Momiqni kutib o'tirgan Suluvxonga:

— Kechiring, opajon, — deb "miyov-miyov" qilib suykalibdi. Suluvxon Momiqning ho'l bo'lib ketgan yunglarini silab, uni erkalatibdi.

Malika RAHMONBEKOVA,
O'zDJTU fransuz filologiyasi fakulteti I kurs talabasi

Xullas...

ОНАДА БОРИ БОЛАГА...

Соғлом она, соғлом бола ибораси шу қадар қулоғимизга сингиб кетганки, Шимолий Каролина штатидаги университет акушерлари ҳам буни тасдиқлашмоқда. Улар ҳомиладор аёлларнинг тиш милклари касалланган бўлса, бу болага ҳам ўтишини тажрибада кўп марта синаб кўришганини маълум қилдилар.

Ўз тишларини ётишдан аввал ва эрталабки нонуштадан кейин муттасил ювиб юрган ҳомиладор аёлларнинг фарзандларидан ҳам соғлом, теп-текис тиш ўсиб чиқар экан. Аксинча, чекиш, ичиш каби зарарли одатларга ружу қўйиб, тиш ювишга умуман риоя қилмайдиган аёллардан эса соғлом насл кутиш қийин.

Шимолий каролиналик акушерлар, фарзанд кутаётган барча оналарни шунга чорлашадики, агар сиз соғлом, бақувват, зуваласи пишиқ ўғил-қиз кўрмоқчи бўлсангиз, аввало оғиз бўшлиғингизни микроблардан тозалаб юринг. "Фюр дих" деб номланган немис журналининг бу илмий хулосани батафсил шарҳлаб бергани "Онада бори болага" деган оддий ҳақиқатни ҳам ёдга солади.

КУТИЛМАГАН "РАҚИБ"

Ҳинд океани атрофидаги тропик ороллар да кокос пальмаси (доим яшил жануб дарахти)га тирмашиб чиқиш бўйича мусобақа ўтказилиши сиз билан бизга эриш туюлади. Ким кроссовкада, ким ялангоёқ, фарқи йўқ, энг тепага чиққан киши ғолиб.

Праслен оролчасидаги шундай "кимўзар" пойгада 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган беш киши иштирок этиб, уларнинг тўрталаси ғолиб чиқди. Эд Сарр эса кутилмаган "рақиб"га дуч келди. У мўлжалланган маррага етиб қолаёзган паллада кокос пальмасида ҳе йўқ, бе йўқ бир маймун кўндаланг туриб қолса бўладими! Маймуннинг қўлида тош бор экан, Эдга қараб улоқтириб юборди. Яхшиямки, тош Эдга тегмай, ерга тушди.

Агар маймун йўлиқмаганида, Эд шубҳасиз "чўққи"га чиқарди, деб хулосалайди бу воқеани Швейцарияда чиқадиган "Вельвохе" газетаси.

ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАН ОВЧАРКА

Божхона хизматида етти йил хизмат қилган овчарка пенсияга узатиладиган бўлди. Қайсидир чет давлатда эмас, балки бизга ён қўшни, жон қўшни бўлган Қозоғистонда.

Овчарка бундай хурмат-эътиборга ўзининг ижобий хислатлари орқали эришган бўлса ажаб эмас. Ишга виждонан ёндошиш, эпчиллик, божхона ходимларининг буйруғини сўзсиз бажариш, бир сўз билан айтганда, ўз хизмат вазифасига маъсулият билан қараш. Чегарадан олиб ўтилмоқчи бўлган гиёҳванд моддалар "Сони" (итнинг лақаби)нинг "чиғириғи"да дарҳол сезиларди.

Беш минг тенге (30 доллар ёки 40 минг сўм) билан пенсияга кузатилган "Сони" доимо ўзини ардоқлаб, парваришлаб келаётган божхона ходимини қувонтириб юборди. Бу воқеа МДҲ давлатларида ҳайвонга нисбатан ҳам меҳр-оқибат хукм сураётганига бир мисол.

ana shunaqa gaplar

А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2003 йилнинг февраль ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1.	Қ.Р, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ПҚТМОИлари табиий фанлар кафедраси ва кабинет мудирлари ва ўқитувчилари	3 - 15
2.	ПҚТМОИларнинг инглиз тили ўқитувчилари учун РТМ ва Оксфорд университети ваколатхонаси билан ҳамкорликда мақсадли курс: "Инглиз тилини янги дарсликлар асосида ўқитишда коммуникатив ёндошувнинг интерфаол усулидан фойдаланиш"	17 - 28
3.	Қ.Р ХТВ, Тошкент шаҳар, вилоятлар Халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги Методика (Таълим) маркази ижтимоий фанлар методистлари	3 - 15
4.	Туман (ш) ХТБ назоратчилари курси	17 - 28
5.	Туман (ш) ХТБнинг бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологиялар ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	
6.	Ташхис марказлари психологлари	17 - 28
7.	Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси	1 - 28
8.	Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси	1 - 28
9.	Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар курси	1 - 28
10.	Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар курси	1 - 28
11.	Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси	1 - 28
12.	Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар курси	1 - 28
13.	Мутахассислиги бошланғич таълим бўлган мактаб директорлари курси	1 - 28
14.	Ёш директорлар (ушбу лавозимда 5 йилгача ишлаётган) курси	1 - 28
15.	Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларининг бошланғич таълим ўқитувчилари (Хоразм ВПҚТМОИда)	3 - 15
16.	Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг иқтисод ўқитувчилари	17 - 28
17.	Таълим рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаб ўқитувчилари (Тошкент ВПҚТМОИда)	1 - 6
18.	БЎИМ директор ўринбосарлари	3 - 15

Эслатмалар:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулотлар олиб борадилар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, музейи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчининг сафар гувохномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма кўмитаси томонидан берилган, пул ўтказилганлигини тасдиқловчи йўлланма ёки бошқа ҳужжат асосида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.

"ГОНОЛУЛУ" СКАНВОРДИ



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28.
Тиражи 31225 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00